

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллик куни — 1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар кўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

ЎЗАРО ИШТИРОК ВА ҲАМКОРЛИК Йўли

Ўтган ҳафта Душанбе шаҳрида Марказий Осиё Ҳамкорлик ташкилотининг навбатдаги саммити бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди. Шунингдек, Душанбеда Оролни қутқариш халқаро жамғармасининг йиғилиши ҳам бўлиб ўтди.

Аввало, Марказий Осиё Ҳамкорлик ташкилоти ҳақида. Бу ташкилотга 2002 йил феврал ойининг охирида асос солинган. Унга минтақадаги тўртта давлат, яъни Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистон аъзо. Ташкилотнинг асосий мақсади — ана шу давлатлар ўртасида кенг қамровли ҳамкорлиқни йўлга қўйиш. Жумладан, Душанбедаги учрашувда қўшни қардош давлатларнинг раҳбарлари халқаро майдонда мас-

лаҳатлашиб бир-галикда ҳаракат қилиш, минтақада тинчлик, барқарорлик ва ҳавфсизликни таъминлаш учун биргаликда курашиш, айниқса терроризм ва наркотиқнинг илдизига болта уриш, умуман, ҳар қандай ҳавф-хатарнинг олдини олиш юзасидан чуқур ва атрофлича фикрлашиб олдилар.

Шунингдек, асосий эътибор кўп томонлама ўзаро манфаатли ҳамкорлиқнинг имкониятларига қаратилди. Ўзаро товар айирбошлаш, инвестицияларни кўпайтириш йўлида учраётган баъзи бир тўсиқлар ва говларни олиб ташлаш ҳақида жиддий гаплар бўлди. Давлат раҳбарлари кўп томонлама ҳамкорлиқни янада ривожлантиришга тўсиқ бўлаётган муаммоларни биргаликда ҳал қилиш тўғрисида келишиб олдилар. Ана шу мақсад йўлида бир қатор тadbирларни ўтказиш режалаштирилмоқда. Жумладан, шу йилнинг ноябр ойида Тошкентда Марказий Осиё Ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ишбилармон доиралари ҳамда тadbиркорларининг бизнес-анжуманини ўтказиш режалаштирилмоқда. Саммитда иштирок этган давлат раҳбарлари яна бир муҳим масала — тўрт давлат парламентининг ҳамкорлиги тўғрисида ҳам келишиб олдилар. Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон парламентлари вакиллари биринчи учрашуви ҳам Тошкентда ўтказилган бўлди. Кейинчалик парламентлар ҳамкорлиги изчил йўлга қўйилди.

Томонлар бундай ҳамкор-


ликнинг жуда ҳам зарурлигига эътиборни қаратишди. Айниқса, ер ва сув ресурсларидан фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини сақлаш билан боғлиқ қонунчиликда бундай ҳамкорлик жуда ҳам зарур. Акс ҳолда баъзи бир тушунмовчиликлар келиб чиқиши мумкин. Агар эсингизда бўлса, ўтган йили Қирғизистон парламенти Сирдарё дарёсининг сувини Ўзбекистонга солиш тўғрисида қонун ишлаб чиққан эди. Бир дарё суви-га бир давлатнинг эгалик қилиб, уни бошқа бир давлатга сотиши — бу ҳали дунё таърибасида кузатилмаган ҳолат. Қонунчиликда ҳамкорлик қилинса, бундан кейин шундай хатолар такрорланмаслиги мумкин.

Иқтисодий ҳамкорлик масаласида ҳам муаммолар кўп. Албатта, иқтисодий соҳада ҳар бир давлат ўз манфаатини келиб чиқиб сиёсат юритади. Шунга қарамай Марказий Осиё бозори бир-бирига яқин бўлиши керак. Қўшничилик, борди-келди, олди-сотди шунчун тақозо этади. Душанбедаги учрашувда бу борада ҳам маслаҳатлашиб олинди.

Шу йил Жанубий Африка Республикасида ўтказилган Жаҳон саммитида дунё аҳолисини тоза ичимлик сув билан таъминлаш масаласи кўндаланг қилиб қўйилди. Шунинг учун ҳам Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясида 2003-йил — Халқаро ичимлик суви йили, деб эълон қилинди. Шунинг эътиборига олиб, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ўзининг Душанбедаги йиғилишида Орол денгизининг қириши оқибатида юзага келган муаммолар ечими билан боғлиқ вазифаларни кўриб чиқди. Тўғриси, Орол муаммоси — бу жаҳон муаммоси. Унга бутун дунёнинг диққат эътибори қаратилиши лозим. Шундан келиб чиқиб, Душанбедаги саммитда иштирок этган давлатларнинг раҳбарлари 2010-йилгача бўлган муддат учун Орол денгизи ҳавзасида дастурининг асосий йўналишларини белгилаш, Оролни қутқариш халқаро жамғармаси ижроия кўмитаси нуфузини ошириш, тоза ичимлик суви ва бошқа сув захираларидан унумли фойдаланиш бўйича халқаро анжуман ўтказиш юзасидан кенг фикр алмашишди.

Иброҳим НОРМАТОВ
"Туркистон-пресс"

ДУНЁ СИЗЛАР БИЛАН ФАЙЗЛИ



Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Файратий маҳалласида истиқомат қиладиган Карим ҳожи ака, Мирзааҳмедов қирқ йил савдо соҳасида ҳалол меҳнат қилди. Маҳаллада катта-кичикнинг ҳурмат-эътиборини қозонди. Бугун уларнинг ҳаётига ҳамма ҳавас қилади. Чунки Карим ҳожи ака билан Зулайҳо опалар турмуш

қурганларига 54 йил бўлди. Уларнинг бир-бирларига бўлган меҳру-муҳаббати йиллар оша синновдан ўтди. Кексаликнинг ширин гаштини сураётган Карим ҳожи ака билан Зулайҳо опа ўтган йили муқаддас ҳаж зиёратига бориб келишди. - Юртимизнинг мустақиллигини кўрдик. Шукр.

Фарзандларимиз дунё кўришяпти, ўқиш, ишлаш учун ҳамма имкониятлар етарли. Фарзандларим Эгамберди, Халлоберди Гўзалхон, Гулчеҳраҳонлар жамиятда ўзларининг муносиб ўринларини топишган. Набиралар қуршовида яшаш ҳам инсонга чексиз бахтиёрлик бахш этаркан, дейди Карим ҳожи ака.

М. МИРСОДИКОВ

КОМПЛЕКС ЙИҒИЛИШИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш комплексининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазир ўринбосари, Республика Хотин-қизлар кўмитаси раиси Д.Фуломова раислигида ўтган ушбу йиғилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг "Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш котибиятлари ҳамда комплекс тасарруфидаги ташкилотларнинг 2002 йилнинг 9-ойи давомидаги фаолияти тўғрисида", "Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Оилада

тиббий маданиятни ошириш, аёлларнинг соғлигини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уни тарбиялашнинг устувор йўналишларини амалга ошириш чора-тадбирларининг мақсадли дастури"нинг бажарилиши тўғрисида", Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Қарияларни қадрлаш йили" Давлат дастурининг 2002 йилнинг 9-ойи давомида бажарилиши тўғрисида"ги масалалар кўриб чиқилди ва муҳокама қилинди.

2002 йилнинг ўтган 9 ойи давомида республикада оилаларнинг мустаҳкамлигини, оналик ва болалик манфаатларини таъминлаш борасида анча ижобий натижа

ларга эришилди. Хотин-қизларни иш билан таъминлаш борасидаги ҳамда вояга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишлар янада кучайтирилди. Соғлом оилани шакллантириш, оилада юксак маънавий-ахлоқий муҳитни қарор топтириш, никоҳгача тиббий кўрикни ташкил этиш яхши йўлга қўйилди.

Республикаамизнинг барча ҳудудларида репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш юзасидан турли тadbирлар амалга оширилди.

Йиғилишда муҳокама этилган масалалар юзасидан камчиликлар ҳам борлиги таъкидланиб, келгусида уларга эътибор қаратиш юзасидан чора-тадбирлар белгиланди.

Нима? Қачон? Қерда?

Ўз мухбиримиз

КУЛГУ ҲАҚИДА КУЛИШИБ

Куни кеча Миллий матбуот марказида "Хандалак" тележурналининг бошловчиларидан бири — севимли қизикчи Ортиқ Султоновнинг "Кулгу ҳақида кулишиб" номли китобининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

Ушбу китобни чоп этишдан кўзланган мақсад нима? дея журналистлар томонидан берилган саволга муаллиф: "Кулгуга меҳр қўйган дўстларимиз учун бизнинг ижодимиз ҳақида бир маълумотнома бўлса,

қизикчи дўстларимиз учун устозлар ўғитларига сугорилган ва шахсий таърибамизда синалган мулоҳазаларимизга ўз қарашлари ва фикрларини ифода-лашлари учун бир имконият деб ўйлайман", - дея жавоб берди.

Ўз мухбиримиз

ОИЛА, АЁЛЛАР МУАММОЛАРИ ДИҚҚАТ ЭЪТИБОРИМИЗДА

«Оила ва жамият» газетасининг шу йил 38-сонидagi С. Махмудованинг «Тарбия энг муҳим масала» сарлавҳали мақоласи юзасидан қўйидагиларни маълум қиламиз:

Кува туманининг энг чекка қишлоғидаги хотин-қизлар ҳаёти ҳам қаламга олинган мазкур мақола вилоят ва Кува туман хотин-қизлар кўмиталарининг қўша раёсат йиғилишида муҳокама этилди.

Мақола муаллифи билан бўлган суҳбатдан аниқланишича, унда тилга олинган оила Кува тумани «Бўстон» ширкат ҳўжалиги Салим қишлоғидаги Қосимовлар оиласи бўлиб чиқди. Мазкур оиланинг ягона ўғли Қосимов Қудратжон 1993 йилда Қосимова Сайёрага уйлланган. 1994 йилда фарзандли бўлишган. Қудратжон Кува тумани «Сардор» фермер ҳўжалигида ишчи, Сайёра 4-сонли ўрта мактабда кутубхоначи бўлиб ишлашмоқда... Оилавий можаролар келин билан қайсингилар, икки эркак қудалар мурасасизлиги оқибатида келиб чиққан. 1998 йилда келин фарзанди

«Оила ва жамият»га жавоб келди

билан ота-онанинг уйига кўчиб кетган, лекин оила қонуний ажралмаган. Оилани тиклаш юзасидан туман хотин-қизлар кўмитаси, «Янги ҳаёт» қишлоқ хотин-қизлар кўмитаси, «Салим» маҳалла хотин-қизлар кўмитаси, қишлоқдаги обрўли оилалар вакиллари яраштириш комиссияси билан ҳамкорликда оилани тиклаш юзасидан бир неча марта кенгаш ўтказган. Лекин иккала оила ушбу можарони фақат ўзлари ҳал қилишларини билдиришган. Газетада ёзилганидек, қувё Қудратжонни ичкиликка берилган эканлиги қўни-қўшинлари томонидан, ички ишлар бўлимининг берган маълумотида кўра, тасдиқланмади. Ҳозирги кунда Қудратжон 1 нафар фарзанди учун алимент тўламоқда.

Ишчи гуруҳи «Янги ҳаёт» қишлоқ, «Салим» маҳалла фуқаролар йиғини мазкур оилани яраштириш юзасидан зарур чоралар кўрмаганлиги, яраштириш комиссияси ва хотин-қизлар кўмиталарининг раислари ўз хизмат вазифасига совуққонлик кўрсатишгани учун огоҳлантирилди.

Вилоят, Кува туман хотин-қизлар кўмиталари мақола муаллифи С. Махмудованинг 7-8 йиллар мобайнида Кува туманидаги қишлоқ оилалари, аёллари аҳволидан ҳеч қанча хабар олмаган, аёлларни тўллаб бирон тадбир ўтказилмаган, деган эътирозига қўшилмайди. Кува туман хотин-қизлар кўмитаси ўз атрофида 51 нафар фаол аёлларни бирлаштирган ҳолда, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш, хотин-қизлар ўртасида маданий-маърифий ишлар олиб бориш, оилаларни мустаҳкамлаш борасида талайгина ижобий ишларни амалга оширмоқда.

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси томонидан тузилган ишчи гуруҳи Кува туман хотин-қизлар кўмитасининг 2000-2001-2002 йилнинг 9 ойини сарҳисоб қилиб чиқди. Шу йиллар мобайнида туман хотин-қизлар кўмитаси ташаббуси билан 5 мингга яқин турли мавзуларда учрашувлар, суҳбатлар, тадбирлар ўтказган. Туманда «Намунали оила», «Энг обод кўча», «Соғлом оила», «Энг гулзор хонадон», «Эпلى келин», «Сиз балоғат оstonасидасиз», «Оталар чойхонаси», «Кексаларни эъзозловчи маҳалла», «Миллий қадриятлар ва Ўзбекистон Конституциясини тарғиб этувчи энг зиёли маҳалла оқсоқоли» кўрик-танловлари ўтказилиши аъёнага айланган. Кува туман хотин-қизлар кўмитаси кўча ва хонадонларни ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, гулзорларга айлантириш ташаббуси билан чиққан. Ҳозирги кунда

бу вилоятнинг барча шаҳар, туманлари, Тошкент, Хоразм, Андижон, Наманган вилоятларидан вакиллар келиб тажриба алмашмоқдалар. Вилоят матбуот уюшмасининг маълумотида кўра, Кува туманида истикомат қилувчи 43 мингга оиладан 2000 йилда 15800 та, 2001 йилда 16200 та, 2002 йилда эса 16732 та оила турли нашрдаги газета ва журналларга обуна бўлган.

2002 йилнинг 9 ойида «Маҳалла» маҳалла фуқаролар йиғини қошидаги яраштириш комиссияси томонидан 12 та оила муҳокама қилиниб, 10 та оила муроғига келтирилган.

«Салим» маҳалласида 2002 йилнинг 9 ойида 20 марта турли мавзуларда тадбирлар ўтказилиб, шулардан 14 таси оилаларни мустаҳкамлаш, ёшлар одобида бағишланган.

«Салим» маҳалласида яшовчи кам таъминланган оилаларга фермер ҳўжаликлари имконият даражасида ёрдам бериб келишмоқда. Жумладан, «Қуёшхон» фермер ҳўжалиги раҳбари Хикоятхон Ўлмамова жорий йилда 20 та оилаларга хатна ва никоҳ тўйларини ўтказишга ёрдам берган. Фермер ҳўжалиги ташаббуси билан ҳар йили қишлоқда «қовун сайли» ўтказилади. Июн-август ойларида 125 нафар аёллар Арсиф, Шоҳимардон, Саткак зиёратгоҳларига бориб дам олишлари учун маблағ ажратган. Худди шундай хайрли ишларни «Ойбек», «Сардор» фермер ҳўжаликлари ҳам амалга оширмоқда.

Хуллас, биз бундан кейин ҳам хотин-қизлар ўртасидаги кўп қиррали тарбиявий ишларимизни янада такомиллаштираверамиз.

Г. МАЪРУФОВА,
Фаргона вилоят
хокимиятининг ўринбосари,
хотин-қизлар кўмитаси раиси

КИМИРЛАГАН ҚИР ОШАР...



Юнусобод туманига қарашли «Фарида хоним» хусусий қорхонаси раҳбари Феруза Азизова бугунги кунда ўзининг ҳалол меҳнати, тиниб-тинчимаслиги билан эл-юрт, маҳалла-қўй ўртасида обрў-эътибор қозониб келмоқда. У беш нафар фарзанднинг онаси. Опа билан бугунги суҳбатимиз тадбиркорлик ва унинг сиру-синоатлари ҳақида бўлди.

- Феруза опа, айтингчи тадбиркорлик ишларини дастлаб қандай бошладингиз?

- Биз ёшлигимизда отамдан эрта етим қолганмиз. Онам бизни бир кўзлаб боқиб катта қилди. Тирикчилик ташвишларида онамга қарашлиб юрардим. Мен бирон марта дугоналаримга қўшилиб ўйнаганимни, ёки

Тадбиркорлик — давр талаби

дам олиш оромгоҳларига борганимни эслолмайман. Ҳамиша меҳнат, меҳнат ва яна меҳнат бизнинг шioriимиз бўларди. Шунинг учун отасиз бўлсакда рўзгоримиз Ҳамиша бут, уйимиз тўла ун, дон бўларди. Онам қўшнаникига бирон нарса сўраб киришни ёқтирмайдилар. Ундан кўра ўзинг учун ҳаракат қил, бировнинг молига кўз тикма дердилар.

Турмушга чиққанимдан сўнг биринкетин фарзандларим дунёга келишди. Анча вақт уйда ўтириб қолдим. Ўша пайтлар тикувчилик билим юртида ўқиб юрган кезларим эди. Бир кун миямга ажойиб фикр келиб қолди. Бозордан бешик сотиб олиб, уни бошидан оёғигача ясанттирдим. Ҳар хил матолардан аврапўшлар тикиб, ҳатто кўнғирқочасига осиб қўйдим. Агарда бозордаги бешикларга эътибор берган бўлсангиз кўплари қовуз тайёрлаб, бекаму-қўст қилиб бозорга олиб чиқдим. Ўша кунги хурсандчилигимни кўрсангиз. Бир томондан мен кашф этган бешик юқори баҳо олди, иккинчи томондан у ўзим қутганимдан баланд нархга баҳоланди. Кейинроқ бу ишимни бошқалар ҳам ўзлаштириб олган, мен «Юлдузча» ансамблининг болаларига қўйлақчалар тикиб бериш билан ўз ишимни давом эттирдим. Сўнгра, кўриб турганингиздек мана шу дўкончаларни

очиб, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва ўқув қуроллари билан таъминлабман.

- Асли касбингиз чеварлик экан. Нима учун тадбиркорлик фаолиятингизни ўз касбингиз бўйича давом эттирмадингиз?

- Бу менинг юрагимдаги энг катта армоним. Асли ниятим катта бир тикувчилик қорхонаси очиб, у ерда қиз-жувонларга чеварлик сабоқларини ўргатиш эди. Бунга ўзимда куч ва билим етарли. Фақат бир муаммо, жой масаласи мени қийнаб турибди. Туманимиздаги бир-иккита чала қолиб кетган биноларни бориб кўрдим. У ерда иш бошлаш учун катта маблағ керак. Агарда мен билан ҳамкорликда ишловчи бирон тадбиркор бўлса, жон деб бирга ишлар, имкониятларимни кенгайтирган бўлар эдим.

- Баъзи бир қайноналар келинларининг тадбиркорлик билан шугулланишларига қарши бўлишди. Сизнинг оила аъзоларингиз бунга қандай қарайдилар?

- Худога минг қатла шўқр, олтинга алишмайдиغان қайнонам бор. Қайнонам Мунира ая Азизова 64 ёшда бўлишларига

қарамай Ҳамиша менга рўзгор ишларида ёрдамчи. Қачон олдиларига йўқлаб борсам: «Қизим, мана шу тўрттагина нонни болаларингизга олиб кетинг!», - дея илиниб туради. Болаларимнинг ризқу-насибасини ҳалол меҳнат билан топиб келаятганимни, рўзгорни бошқариш битта эркак кишига оғир эканини яхши тушунади. Баъзи бир қайноналарга ўхшаб хотининг ундок, хотининг бундоқ деб ўғилларига ёмонламайди. Биз тинч ўтирсак, уларнинг хотир-жамлиги шундан.

- Мирзойир, Миртойир, Бахтиёр, Шахноза, Суннатилла исмли фарзандларингиз ҳам сизга ёрдам бериб туришса керак?

- Албатта ёрдам беришади. Уларни ҳам ҳозирдан меҳнатга ўргатдим. Катта бўлишгач бир бурда нонларини ҳалоллаб топиб ейишсин. Турмуш ўртоғим Мирзохид Азизов Ҳамиша менга кўмакдош, маслаҳатчим. Яна атрофимда Лобархон, Равшан исмли мени Ҳамиша қўллаб-қувватлаб тургучи яхши инсонлар борлигидан, улар туйғайли меҳнат қилиб, озми-кўпми халқимга хизмат қилаётганимдан фахрланаман. Қимирлаган қир ошар, деб бежиз айтишмаган. Келажак орзуларим мўл. Каттакан бир тикувчилик цехини очиб, ўз офисимга эга бўлиш ниятидаман.

Суҳбатдош:
Нигора АЛИШЕР қизи

ҚАДРЛАНГАН ҚАДРЛАНАР

«Ота-онанг — ноёб хазина», дейди халқимиз. Уларни Ҳамиша ардоқлаш, айниқса кексаёлиб куч-қувватдан қолган, бетобланган чоғларида меҳр билан парвариш қилиш фарзандлик бурчидир.

Ҳадиси шарифларда ҳам «Инсон фарзанди яратилганда ёнида 90 та ўлим сабаблари ҳам бирга яратилган, агар у шу ўлимлардан ҳалос топиб яшасагина унга қарилки насиб этади», дейилади. Бундан кўринадики, қарилки даврига етиш ҳам осон эмас. Қарилки даврига етиб, фарзандлар қамолини кўриб, кексалар гаштини сураётган отахон ва онахонлар табаррукдирлар.

Кексалик билим ва тажрибаларнинг қаймоғи тўпланган доғишмандлик давридир. Қарилки даврига қадам қўйган отахон ва онахонлар, момолар ва боболар-

ни халқимизда нуроний, дея таърифлашлари бежиз эмас.

Шайх Абдуҳоллик Фихудуновий ўғлига насиҳат қилиб айтади: «Азиз ўғлим, ёмонлар билан суҳбатдош бўлма, улардан арслондан қочгандай қоч, ҳаммага раҳм ва шафқат кўзи билан қара, нафсини тий, ҳақойи ҳавасга берилма, таънадан узоқлаш, очқўзликдан, бахилликдан, ўринсиз кулгилардан, масхарабозликдан ҳазар қил. Олим, фозил, одоб-ахлоқ, тарбия эгалари билан суҳбатлаш, уларнинг суҳбатларидан баҳраманд бўл...»

Буюк бобомиз ҳазрат Алишер Навоий ота-онани ҳурмат қилиш фарзандлар учун мажбуриятдир, дейди: «Бу иккисига хизматни бирдек қил, хизматинг қанча ортқ бўлса ҳам кам, деб бил. Отанг олдида бошингни

фидо қилиб, онанг боши учун бутун жисмингни садақа қилсанг арзийди! Икки дунёнг оқиб бўлишини истасанг, шу икки одамнинг розилигини ол! Туну кунингга нур бериб турган — бирисини ой, деб бил, иккинчисини қуёш. Уларнинг сўзларидан ташқари бир нарса ёзма, улар чизган чизикдан ташқарига бир қадам ҳам босма. Ҳамма хизматни сен одоб билан бажар, адаб» сўзидига «дол» каби қоматингни ҳам қил...»

Афсуслар бўлсинки, баъзи ёшларда ўзларидан катталарни, нуроний қарияларни ҳурмат қилиш, уларнинг насиҳатларига қулоқ солиш сингари юксак маънавий фазилатлар йўқолиб кетаётгани сезилимоқда.

Кексалар учун ажратилган уйларида фарзандлари тирик, ўзига тўқ

бўлган ота-оналар яшайётганлигига тоқат қилиб бўлмайди. Гоҳи-гоҳида бўлса ҳам ота-онага қўл кўтариш, ундан ҳам оғирроқ жиноят қилиш ҳоллари содир бўлиб турганиниги айтиб турибмиз!

Бу - оддий ҳол эмас, балки энг тубанлик, бағритошлик, ўз инсонийлигини йўқотишдир. Ҳар бир фарзанднинг ўз ота-онасини эъзозлаши фарзандлик бурчи ва жамият олдидаги масъулияти саналади. Ота-онани эъзозлашнинг қўйидаги шарқона талабларига ҳаммамиз амал қилишимиз ҳам фарз, ҳам қарз ва фарзандлик бурчимиздир. Ота-онага таом бериш, озода қилиб қийинтириб қўйиш, касал бўлганда шифокорга қўрсатиш, керакли дори-дармонни келтириб, доимо хол-ахвол сўраш, ота-онага «лаббай», деб жавоб қайтариш, турмушга чиқиш, уйланишда ота-онанинг розилиги, оқ фотиҳасини олиш керак.

Ҳадисларда: «Қим ота-онаси-

ни рози қилса, унга тубо (жаннатдаги дарахт) насиб бўлиб, Оллоҳ унинг умрини ҳам зийда қилади», «Ота-онага итоат қилиш — Тангрига итоат қилишдир. Уни олдида гуноҳ қилиш — тангри олдида гуноҳ иш қилиш билан баробардир», дейилади.

Мен ҳар сафар она қишлоғим Зарбандга бориб, ота-онанинг олдида икки-уч кун бўлиб, Тошкентга қайтаётганимда улар қўларини дуога очиб: «Болам, соғ-омон бўл, бошинг тошдан бўлсин, йиғит пирлари қўллари, юзинг ёруғ, йўлинг очик бўлсин, илоё икболингни берсин», - деб қолишади. Ниятга қараб амал деганларидек, бу икки оғиз ширин сўз бутун вужудимда, қалбимда келахатқа ишонч туйғуларини жонлантиради ва илҳом беради.

Хусниддин НОРҚУЛОВ,
Республика «Оила» илмий-амалий маркази ходими

Ишхонадан уйимга кечроқ қайтдим. Эрим, болаларим ҳали ишдан келишмаган экан. Овқатга уннашдан олдин уйда нима бор, нима йўқлигини қардим. Нон йўқ экан. Уйимиз шундоққина Мировод бозорининг ёнгинасида жойлашганлиги сабабли, югуриб иссиққина патир нон олиб келмоқчи бўлдим-да, кўчага чиқдим. Катта кўчадан ўтиб бозорга кирарканман, гира-шира қоронғиликда кўзим бозордан уй қийимига чиқиб келаётган кўшим Маъмураҳонга тушди. Салом-алиқдан сўнг у уйимани уй қийимига келаётганини сабабини ташутира бошлади. Гарчи шошиб турган бўлсам-да, кўнгли нимадандир ранжиганлигини сезиб гапларини тингладим.

- Вой опахон, юришимни қаранг. Бир воқеа сабабли шу аҳволда трамвай йўлига югуриб бориб келаяпман!,- деди.

- Ҳа, нима бўлди?,- деб сўрасам. У бир кулиб, бир ранжиб куйидаги воқеани гапириб берди.

- Ҳозиргина болаларим билан уйга қайтиб келаётган эдик. 9-трамвайдан тушдикида бозор ёнгидан ўтаётган эдик, қорачадан келган 60-65 ёшлардаги бир кампир йўлимни тўсиб қикди-да, сумкаси-дан бир литрлик банкани олиб ялинишга тушди.

- Сингилжоним, илоҳим болаларингизнинг ҳузурини кўринг. Икки банкагина қаймоғим қолди, шуни олиб кетинг. Янгиўлдан келаман. Ўзимнинг сигиримдан ҳалол покиза қилиб олганман. Келтириб берадиган "клиентларим" бор эди, кетиб қолишибди. Кеч келганлигим учун уларни кўришга улгурмадим. Энди қайтариб олиб кетмай. Барака топинг, сизга арзонроққа бераман. 1200 сўм бера қолинг,- деди.

Қаймоқ олиш ҳаёлимда йўқ эди. Олсам ҳам йўлдан олмай, эрталаб бозорга келиб ўзимнинг банкамга қуйдириб олардим. Шуларни ўйлаб туриб "йўқ" десам, кампир яна ялини бошлади.

- Вой мана шу ширингина болаларингиз мазза қилиб эди. Йўқдеманг. Мана, мана татиб кўринг, янги олинган қаймоқ,- дея ҳоли жонимга қўймади. Татиб кўрдим. Ёмонга ўхшамади. Иккила-ниб турганимни кўриб, яна сўзлашга тушди.

- Сингилжоним, шу ёшимда сизни алдаб ўлибманми. Ёшимни ҳурмат қилинг. Ҳозирги кунда рўзгоримга сал бўлса-

да ёрдам бўлар деб ўйлаб олиб келаман-да. Мен ҳам болаларимни ҳалол меҳнат билан топган пулимга боқаман. Ёлгон гапирсам илоҳо олганим буормасин,- деди-да яна давом этди. - Ҳали уйимга қачон

СИЗ ҲАМ АЛДАНИБ ҚОЛМАНГ



Унинг гапларини тинглаб турган ўғлим раҳими келиб:

- Ойижон, худаям кийнаиб турган эканлар, олақолинг- деди. Ноилоҳ 1200 сўм тўлаб олдим. Банкани қўлимда кўтариб кета бошладим. Лекин, кампир юришга қўймади.

- Йўқ, йўқ, бундай қилиб кетишингиз яхши эмас. Қоронғи тушиб қолди. Сўз қатикни қоронғи тушгандан сўнг бировга берса бўлмайди. Ирим ёмон. Сигирим тепадиган ёки касал бўлади. Айлана, сингилжоним, сумкангизга солиб олинг,- деди-да қўлимдан олиб ўзи сумкамга жойлай бошлади.

Хуллас қаймоқни олиб уйга келдик. Дадаси эндигина ишдан келиб газета ўқиб ўтирган эканлар. Қизимга чой дамлашни буордимда ўзим:

- Дадаси биз келаётиб бозордан қаймоқ олган эдик. Бир кампир ҳоли-жонимга қўймай тутқазиб юборди,- дедим ва каттароқ пиёлага қаймоқдан солиб, олдиларига қўйиб, сиз еб ўтиринг мен унгача овқат тайёрлайман,- деб кийимларимни алмаштиришга бошқа хонага ўтдим. Бир пайт эримнинг кулганини эшитиб қилиб, «Ҳа, тинчликми?» деб сўрасам.

- Зўр қаймоқ олибсизлар-ку. Ўша кампир кетворган тadbиркорга ўхшайди. Мана татиб кўр. Қаймоққа қўшиб иймонини ҳам сотиб юборибди-я,- дедилар.

Мен пиёладаги қаймоқдан татиб кўриб

хайрон қолдим. Онахон роса лақиллатибди. Бир банка қатикнинг устига озгина қаймоқ қўйиб сотган экан.

Гарчи эрим қўвер бўлар иш бўлибди, десаларда бир аҳволга тушдим. Дарҳол пиёладаги қатикни банкага солдим-да шу қийимда бозорга қараб югурдим. Ҳаёлимда ёлгончи онахон иккинчи банкадаги қатик-қаймоқни мендек бировга авраб пуллашидан олдин етаман деб ўйладим. Лекин янглишибман. Келиб қарасам, у аллақачон сотиб бўлиб қорасини ўчирибди. Мен мана шу қаймоқ-қатикни кўтариб қайтиб келаяпман,- дея қулди, сўнг қўшиб қолди. - Тўғри 1200 сўм пул учун бирор нарса бўлиб қолмайман. Менга алам қилгани, ким билсин шу йўл билан яна қанча одамларни алдайди. Яна "Алдасам олганим бола-чакамгайм, ўзимгайм буормасин",- деганини айтмайсизми. Ахир бу ёшда одамлар ёшларга ҳалолликдан сўзлайдиган бўлишди-ку, у киши эса...

Кўшимни юпатган бўлдим. Ўзим нон олиб уйга келдим. Овқат тайёрладим. Хуллас уй ишлари билан банд бўлсам-да, миямдан кўшимнинг гаплари чиқмади. Тахририятга кўнига қўлаб хатлар келди. Эрталаб ишга келишим билан хатларни бирин-кетин очиб ўқий бошладим. Улардан иккитасида худдики кеча кечкур-ун мен бошдан кечирган машамша қаламга олинибди. Мана, уларни сиз ҳам ўқинг азизлар...

«Ота-онам билан Мировод бозоридан чиқиб уйимизга кетаётган эдик. Трамвай йўлида бизни каттароқ ёшдаги бир аёл тўхтатиб: "Илтимос, шу биттагина қаймоғим қолди, олиб кетинглар. Уйимга кеч қилиб шошиб турибман. Арзонгина бериб кетаман",- деди. Отамни ҳам, онамни ҳам қаймоқ олиш ниятлари йўқ эди. Лекин, аёл ялинаверганидан сўнг ноилоҳ бир литр қаймоқни 1200 сўмга олди. Онам уйга келиб банкани очиб қарасалар, устки қисмида озгина қаймоқ бўлиб, қолгани қатик экан. Ёши улуг аёл-

нинг бу қилмишидан хафа бўлди-ку. Мен бу воқеани бошқалар ҳам биздек алданмасинлар, дея сизларга ёзиб юборапман.

Яқинда Янгиобод бозорига борганим, бозордан чиқаётганимизда, йўлакда бир аёл қаймоқ сотиб турган экан. Мен ҳам мева-чева растасига кетаётган эдим, ҳалиги аёл йўлимни тўсиб, қаймоғини мактай кетди. "Янги қаймоқ, татиб кўринг" деди, нархи 1500 сўм экан, унга қаймоқ олмоқчи эмаслигини айтдим. У аёл эса қаймоғини макташдан тўхтамади. Олсам олай нархини айтинг дедим, ҳа майли 1200 сўм берақолинг деди у. Қаймоқни асраб-авайлаб уйга-ча етиб олдим.

Айни тушлик пайти эди, қаймоқни нонга суртиб еб, чой ичиб олинган дедим болаларимга, афсуски, боларимни қувончи узоққа қўзилмади. Мен эса қўлоқларимга ишонмадим, наҳотки қаймоқ деб сотгани бир бонка тўла қатик чиқса-я. Ёши бир жойга бориб қолган аёл уялмай нетмай шу ишни қилса, нима дейсиз?

Мен эса, илоҳим яхши кўнига буормасин дея олдим, холос. Чунки оқ нарсани сўроғи ёмон Оллоҳни олдида ҳам.

Мободо сизлар ҳам йўлингиз тушиб, "Янги обод" бозорига бориб қолсангиз, тагин шу фибрибларга учраб алданиб қолманг.

Халқимизда бир мақол бор, "Оғзи қуйган қатикни ҳам пуллаб ичади". Шунга ўхшаб ўша кун нечта одам алданиб бундан кейин хушёрроқ бўлишга аҳд қилиб қўйган бўлса ажаб эмас.

Чўлпоной МЕЛИҚУЗИЕВА

Ҳа, азизлар шунақа. Ҳаром йўлга кириш ёшу қарига қарамас экан. Ҳаромдан келган пулда барака бўлмайди. Ҳозирги ўтиш даврида ҳаммамизга ҳам қийин, лекин пулни одамларнинг норози қилмай, ҳалол топиш керак. Бу соҳада ушқабат инспекторлари ҳам, сал хушёрроқ бўлса... Ана шунда бозор номига ҳам доғ тушмас эди.

Лола АХМЕДОВА

ЖУДОЛИККА ЧИДАШ ҚИЙИН...

Шу йилнинг 31 январиди, пайшанба кунининг тонгида, 9 ойлик хасталикдан сўнг энг азиз, меҳрибон, сеvimли, беозор онажонимиздан жудо бўлдик. 4 ўғил ва мен 1 қиз, гарчи ёшимиз қирқ, элликни қоралаган бўлса-да, ёш боладек бўзлаб қолдик. Чунки биз энди етиммиз. Нақадар совуқ сўз бу. Оллоҳим, бу жудаликка қандай чидамоқ керак? Дунёдаги жамики йўқотишлар, жудаликлар ичида энг оғири — Онадан ажрალიш экан. Ўғил фарзандлар, ҳар қалай эркак-да, менга нисбатан чидамлироқ эканлар. Мунис ва меҳрибоним, боримда ҳам, йўғимда ҳам бир хил, хокисорим, беминнатим онажоним! Суянаган тоғим, сирдошим, маслаҳат гўйим! Энди йўқсиз... Бу ҳақиқатни тан олмоққа мажбурман. Чунки туғилмоқ бор, ўлмоқ бор. Аммо юрак чидамас экан. Ҳалигача кўника олмаяпман бу жудаликка. Ҳар сафар хоналарига кириб излайман, кийимларидан уфуриб турган ёқимли хидларни тўйиб-тўйиб хидлайман. Ўз-ўзидан тўйиб-тўйиб, ўқиб-ўқиб йиғлайман. Биламан, солиҳ фарзандлар, мўмин, мусулмаларга бундай қилиш мумкин эмас. Шунинг учун ҳам ҳеч кимга кўрсатмай, дилларни вайрон қилмай, чек-

ка-чеккада йиғлаб оламан. Ёлғиз Оллоҳдан дадажонимга, ака-укаларимга, ўзимга сабру-қаноат, тўзим ва чидам сўрайман. Аминманки, Оллоҳ ўзи кўргувчи ва билгувчидир, албатта сабр ато этади. Ҳар бир нарсаси Оллоҳ ирода-си билан содир бўлади. Ёши улуг қариндошларимиз: "Йиглама болам, онанг 71 ёшида, иссиқ ўрнида, ўз уйида, жуфти ҳалоли, беш фарзанди бағрида, ўзининг қўлинда вафот этди. Ҳеч кимни кутмай, интизор бўлмай бу оламдан кўз юмди. Мусулмончиликнинг барча амалларини бажариш насиб этди, армонсиз кетди, онажонинг! Сизлар ҳам беармонсиз, чунки оқ ювиб, оқ тараб, яхши егизиб, кийгизиб, фарзандлик бурчаларини бажаришга ҳаракат қилдингиз, рози-ризолигини ололдингиз болам, барчамизга шундай улуг қўнларда, оппоқ тоғларда кетиш насиб айласин, деб опатиб, таксин беришди. "Оила ва жамият"да ўқиганларимни бир-бир эсладим. Мингчи кўриб фикр қилдим, бирни кўриб шукр қилдим.

Ҳар тонг онажонимнинг руҳи-поқларига атаб қўрьон тиловат қиламан ва яратганга илтижо этаман: Оллоҳим, волидаи-мукаррамамининг бандалик билан бу дунёда билиб - билмай қилган гуноҳларини авф этиб, жойларини жаннатдан қили-

шингни сўрайман, фойий дунёда рохатга айлانسин, қадрлари нурга тўлсин! Хонадонимиз фариштаси, париси бўлган онажонимнинг исми шарифлари Ғаллам қизи - Сайима эди. Охиратингиз обод бўлсин, руҳингиз шод бўлсин меҳрибоним. Токи бор эканмиз. Сиз фарзандларингиз, невараси, чевараларингиз қалбида яшайверасиз, биз учун ҳаммаша тириксиз, онажон! Бир хаваскор шоирнинг қуйидаги шеъри, айнан менинг қалбим фарёди бўлса керак:

АФСУС, БУ ҲАЁЛ!

Оқар сув ёнида оқиб бораман, Ана, изларингиз топиб бораман. Қаршингизда қувнаб, чопиб бораман, Аммо бу ҳаёл-да, ҳаёл онажон.

Бағрингизда она, сўзсиз жим турдим, Бармоқларингизни кўзимга сурдим. Сиз-ла жаннат боғи айланиб юрдим, Аммо бу ҳаёл-да, ҳаёл онажон.

Согиниб тингладим сўзингизни мен, Хурларга ўхшатдим ўзингизни мен. Юракка жойлабди кўзингизни мен, Ҳаммаси ҳаёл-да, ҳаёл онажон.

Оқар сув ҳаёлим бўлар шовуллаб, Кўзимдан ёшларим оқар дувиллаб. Изларингиз излаб, тоғимга излаб Ортингиздан йиғлаб қолдим онажон! Иймоним қомилки, азиз юртдошим, сиз ҳаммаша шериксиз, шу дамда менга таскин бераёзми. Бунинг учун сизга кўп раҳмат.

Гулчехра ҲАБИБУЛИНА

ҚАЙНОНАМ - БЕҒАРАЗ ДЎСТ ЭДИЛАР

Умрни оқар сувга менгзашади. Ҳаё-хуйт деб ўтиб кетганини билмай қоларкансан, киши. Яшашнинг интихоси истасак, истамасак дорилбақо манзили. Фойий дунё алдамчи, аммо ўлим ҳақ.

Кечагина хонадонимиз тўрида фариштадек фазз таратиб ўтирган ойижоним - қайнонам бугун орамизда йўқлар.

Инсон умрининг мазмуни унинг не-

чоғлик узоқ яшаганлиги билан эмас, балки у қолдирган қўлгў излар билан ўлчанади, дейдилар. Ойижоним ана шундай бахтли аёллардан эдилар. Маҳалла-қўй, қўни-қўшилларнинг яқин маслаҳатгўйи ойижоним 7 фарзанд — 4 ўғил, 3 қизни эл қорига ярай диган, меҳр-оқибатли, андишали қилиб воёга етказганлар. Ойижоним ҳаёт синовлари, турмуш қийинчиликларини аёлга хос ғурур билан енга билганлар. Ойижоним оқила, жуда камтарин, ҳақўй, қаттиққўл қайнона эдилар. Камбағалликни айб деб эмас, Оллоҳнинг ҳалол меҳнат қилиш учун инъом этган тўхфаси деб билардилар.

Ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Бироз камхарж бўлиб, қўлимиз калталик қилиб тенгдошларимиз катори яхши қийинолманган пайтларим ибратли нақллар билан ақлим кўзини очардилар. "Келин, шумо да ҳовли моҳо яқ донга гул ғалтедаги, ҳарчандки ҳўснаш набошад, жомазеб ғалтедаги" (Таржимаси: келин, сиз

бизнинг хонадонга бир гул бўлиб тушгансиз, гарчи гўзал бўлмасангизда, ҳар қийим ҳам сизга ярашқилидир.)

Келин бўлиб тўғганимга 18 йил тўлган бўлса-да, алоҳида шаҳарда яшасак ҳам ойижонимнинг маслаҳатларисиз бирор иш қилмаганман. Ойижоним йиллар давомидида билмаганимни ўргатиб, ёмонини яшириб, яхшимни ошириб келганлар. Ҳофизаю аъмоли тоза, тархи покиза аёл бўлган ойижоним туфайли биз тўрттала овсин бирор марта "сиз" сўзимиз "сан"га бормаган.

Меҳмоннавоз, давралдор ойижоним кириб борган ҳар бир давра фазига тўларди. Мухаммасу нақлар, маталу мақолларни маромига етказиб жойида ишлатиб қўярдилар. Имон тўла қалблари гўзалликка шайи-иқиликларини аёлга хос ғурур билан енга билганлар. Ойижоним қилиш излаб топиб, экиб, парварши қилишдан эринмасдилар. "Келиним ўқимишли" деб давраларда фахрланганларини орқаваротдан эшитиб қолардим. Беғараз дўст, қалби ғийбатлардан холи ойижонимнинг ётган жойлари жаннат бўлсин, илоҳим. Ойижонимдек қайнона бўлиш бахтига, у кишидек пир убадвалатлик мансабига ҳар биримизни Оллоҳим етказсин.

Моҳира ШАКАРОВА

Бухоро шаҳри

- Айтсам тилим, айтмасам дилим қуяди,- дея гап бошлади гўшадаги ўзини Мухтарам деб таништираган аёл. - Аввало ҳеч ким ёлғиз қолмасин экан, бу дунёда. Мен ўзим севган инсонга турмушга чиққандим. Бир қизчалек бўлди. Аммо эрим тўсатдан вафот этди. Кичик қайиним уйланиши керак эди. Шунинг учун менга қайнона-қайнотам тўрт хоналик уй олиб беришди.

Улар менга уйнинг қалитини беришаркан: «Болам, бизнинг қўлимиздан келгани шу. Сени олиб қоллайлик десак, ёшсан, балки турмушга чиқарсан», дейишди. Хуллас, тақдиримга қўниқиб яшай бошладим. Ишга кирдим. Қўзим эса боғча бора бошлади. Кейинчалик тадбиркорлик билан шуғуллана бошладим. Яшашим яхши, камчилик эса йўқ эди. Аммо кунлар ўтиб бир эркак билан танишдик қолдим. Шундан кейин ҳаётим ўзгарди.

- Сизга уйланимоччи бўлдим?

- Ҳа, мен унга қайнона-қайнотамнинг розиликлари билан турмушга чиқишим мумкинлигини айтдим. У кўнди. Қайнонамнинг уйига бориб гаплашдик. Бироқ бўлажак эрим, яъни Аббос уларга ёқмади. «Сенга ёққан бўлса, начора, ўзинг биласан-да. Бироқ жуда тунд, писмиқ ва кўнгли қора инсонга ўхшайди. Нима бўлганича ҳам унинг гапига кириб уйингни сотмагин. Набизамиз кўчада қолмасин», - дейишди улар.

- Эрингиз шундай бўлиб чиқди?

- Минг афсуски қайнона-қайнотам ҳақ экан... У менга уйланишга, аввало уйимни сотишга қўйишга бошладим. Мен кўнмадим. Кейин у авраб-авраб тақинчоқларимни сотишга кўндирди. Менда тилла тақинчоқлар кўп эди. Никоҳ узугиму қулогимдаги зирагимдан бошқа ҳамма нарсамни сотдим. Кейин эса бир амаллаб сотиб олган гаражимни ҳам сотдик. Пулини нима қилганини ҳам сўрамабман. У аввалига жуда мулоийм эди. Кейин эса чўрт кесиб гапирадиган бўлиб қолди. Шунга қарамай Аббос менга ёқарди. У бир пасда гапни айлантириб мени айтганига кўндириб қўя қоларди. Ана шундай қилиб бир кун уйимни ҳам сотиб юбордик. У: «Мени ўзимнинг алоҳида уйим бор», дея бир уйга қўчириб олиб борди. Марказда у хонали экан. Мен лаҳма жуда хурсанд бўлибман.

- Эрингиз алдаган эканми?

- Ҳа. Уй эримники эмас экан. Бир кун

уйнинг эгаси келиб: «Чиқинглар энди, мен қиммат нархда ижарага қўяман», - деб оғохлантириб кетди. Маккор эрим уни бир ойга ижарага олган экан.

- Қаерга кўчдинглар, кейин?

- Бировнинг ташландиқ ҳовлисига кўчдик. Кейинчалик эримнинг ака-укаларидан Аббоснинг руҳий касаллар диспансерида руйхатда туришини билиб қолдим. Афғонистонда хизмат қилган экан. Шу сабаб унинг номидан олиб-юғриб уч хонали уй олишга эришдим. Бу орада кичик қизим туғилди. Каттаси ҳам ўн олтидан ўтиб ўн етти ёшга қараб кетди. Қизим жуда чиroyли. Шунча кўргуликлардан кейин ҳаётим сал изга тушгандек эди, аммо...

- Яна бирор воқеа рўй бердими?

- Эҳ, буни айтишга ҳам тилим бормайди. Лекин менга ўхшаб қизи билан иккинчи турмушга чиққанларга ибрат бўлиши учун айтишим шарт. Чунки мен эримни унча синаб ўтирмай, шошиб турмуш қургандим. Лекин, жуда катта хато қилибман. Уй-жойимдан, тақинчоқларимдан, унча-мунча йўққан пулларимдан ҳам айрилганим етмаганидек, бошимга яна бир кўргулик тушадиганга ўхшайди.


- Нима учун шундай деб уйлаяпсиз?

- Кейинги пайтда катта қизим қўпична

рар экан. Улар менга: «Сўраб-суриштириб текканингизда эди. Биз унинг руҳий касаллигини айтган бўлардик. Энди хоҳланг қаматинг, хоҳланг ажрашиб кетинг, ўзингиз биласиз», - дейишди.

- Ҳозир эрингиз билан муносабатингиз қандай?

- У биланми? Нима десам экан? Яшаймиз ҳар кун маша. Мен ўзим яхши бир жойда ишлайман. Қизим эса



БИРОВГА АЙТИЛМАЙДИГАН БАЛО...

хомиш юрадиган бўлиб қолди. Илоҳи борича мендан ажралмасликка интилади. Гап сўрасам айтимайди. Эрим ҳам ўзгариб қолгандек... Қизимни кўрмаса ҳақли чиқиб, мени уриб-сўка бошлайди. Қизим эса нуқул йиғлайди. Охири алдаб-сўлаб сўраб билиб олдим. Эрим қизимга тегажочлик қила бошлады. Мен уйда йўқлигимда ўғай отаси уни қўчоқлашга, зўрлашга ҳаракат қиларкан. Қизим: «Агар эрингиз билан ажрашмасангиз ўзимни ўлдирман», деганидан кейин кўржиб кетдим. Эримга: «Келинг, сизни даволатайлик. Бўлмаса ажрашишга мажбур бўлам», - дедим.

- У кўндими?

- Йўқ, қайтага уришиб кетди. Кейин Аббоснинг ака-укаларини йиғиб бу гапни айтдим, ҳар ким ўз бошига ёққан қорни ўзи қу-

умуман уйда қолишга кўрқадди. Эрим уни ўқишга ҳам, ишлашга ҳам қўймайди. Шунинг учун уни ўзим билан ишга олиб кетяпман. Кечқурун эса у ишхонамда ётаётди. Мен эрталаб овқат олиб келаяпман. Лекин бу қачонгача давом этади, ахир?

- Ажрашмоччи эмасмисиз?

- Бошим қотиб қолган. Чунки эрим кичик қизимни ўзи эрталаб боғчага олиб боради, ўзи олиб келади, айланиб ўргилади. Лекин мен катта қизимга аталган ҳамма нарсани, хатто уйини ҳам сотиб юборганман. Агар қайнона-қайнотам олиб беришган уйни сотиб юборганимда эди... Бошимга бундай кўргуликлар тушмасди. Мана энди бечора қизим ҳали у ёқда, ҳали бу ёқда сарсон-саргардон бўлиб юрибди.

- Қариндошларингизники?

- Басира САЙИДАЛИЕВА

Чоршанбадан чоршанбагача — Кўнғироқларингиз...

МЕН АДАШДИМ, СИЗ АДАШМАНГ...

- Бирорта аёл мухбир йўқми, мен маслаҳат сўрамоқчиман, - деди телефон қилаётган қиз.

- Бемалол гапираверинг, мен ҳам эшитаверман, - деди тушмадан барвақт қайтганлигим сабаб.

- Сизга айтишга уялман-да, дея жавоб қайтарди у.

- Нимага уяласиз, шифокор билан журналистан уялиб ўтирманг, касбимиз тақозоси шунақа, - дедим унга дал-да бериб. У аввал гапни нимадан бошлашни билмай бироз ўйланиб туриб, нияят мақсадга ўтди.

- Ўзим вилоятдан келганман. Институтнинг иккинчи босқич талабасиман. Бир дугонам билан ижарада турадим. Бир кун соат бларда дугонам билан кўчага айланишга чиққандик. Шунда орқамиздан бир «Жигули» машинаси келиб тўхтаб ёш хайдовчи йигит бизга: «Қизлар, юринглар айлантириб келаман», - деди. Нимагадир турки менга совуқ туюлди.

Дугонам: «Кетдик, айланиб келсан нима қилгил», - деди. Чунки у шу кунларда севган йигити билан аразлашиб қолгани учун сикилиб юрганди. Унинг қистови билан машинага ўтирдим. Хайдовчи йигит ниятда хушчақчақ эди. Мен ундан: «Хар доим ҳам шундай хушчақчақ бўлиб юрасизми?» - деб сўрадим. «Хар доим эмасу, соат 6

дан кейин хушчақчақ бўлиб қолам», деб ilmoқли жавоб қайтарди. Дугонам орқа ўриндикда, мен эса шофёр йигит ёнига ўтиргандим. Чунки орқа ўриндикда 5-6та сеткада ҳар хил мева-чева, полиз маҳсулотлари борлиги сабаб банд эди. Хуллас йигит бизни гапга сола бошлады. Сездимки, нияти бузук. Мен дугонамга қараб: «Тўшамиз», деган ишорани қилдим. Дугонам ишимиз зарурлигини айтиб, бизни манзилимизга олиб бориб қўйишни йигитдан илтимос қилди. У эътироз билдирмай биз айтган жойга олиб борди. Машина тўхтаб дугонам биринчи бўлиб тушди. Мен ҳам эшикни очиб тушаётган эдим, йигит билан дугонам маҳкам ушлаб: «Исмингиз нима?» - деб сўради. Мен ёлғондан: «Манзура», - дедим. «Телефон рақамингизни айтинг», - деди у. Гарчи телефонимиз бўлса ҳам «Телефонимиз йўқ», деб уни алдадим. «Унда мени телефон рақамини ёзиб олинг, зерикан пайтларингиз кўнғироқ қилинг, айланамиз, сиз менга ёқиб қолдингиз», - деди дабдурустан. Мен унинг бу гапидан сесканиб кетдим. Кўрққанымдан телефон рақамини ёзиб олиб машинадан тушдим. «Хайрият кутулдим, иккинчи кечки пайт айланишга кичиб бу номақулчиликни қил-

маيمان», - деган гап ўтди кўнғимдан. Орадан бир кун ўтиб дарсдан қайтаётсам ўша йигит йўлимни тўсиб: «Юринг уйингизга олиб бориб қўяман», - деди. Мени шу институтда ўқишимни, дарсдан қачон чиқишимни, исминини қаердан билганига хайронман. Назаримда кеча бизни қузатган кун у изимизга тушиб қимдандир билиб олган. Ҳар кун шу аҳвол давом этаверди. Мен ҳам унга ўрганиб қолдим. Охири ўзимни унга бағишлаганимни ҳам билмай қолдим. Бу ҳол мен учун одатий тусга айланиб қолди. Кейинчалик у бошқа дугонамга кўз олайтираётганини пайқаб қолдим. Унга: «Менга уйланиман деб алдаб юрган экансизда, энди мен нима қиламан, дугонам сенга ижор қилибсиз», десам, «Ҳа, сен нима деб уйланг эдинг, мен сени зўрлаганим йўқ. Уз ихтиёринг билан бўлди ҳамма иш. Хоҳласанг шу, дугонам билан ҳам, сен билан ҳам юраверман, энди сенга барибир эмасми?» - деб жавоб қайтарди. Бу гап менинг юрагимга найза бўлиб санчилди. Уни унуттиш учун аламинни ишқий саргузаштдан оломоқчи бўлдим. Тўғри келган чиroyли йигитлар билан бирга бўлдим. Неча йигит билан бирга бўлган бўлсам бирортаси хотирамда ёрқин из

қолдирмади. Кейинчалик бир нарсани аниқ пайқаб қолдим. Улар иши биттунча менга ҳавас билан, кейин ифлос бир нарсасига жирканиб қараётгандай қарашарди. Аслида ҳам шундай экан. Мен ўзимни шу қадар тубанлашиб кетганимни энди-энди қалбим ҳис этиб ўзимдан-ўзим нафратланаман. Бунга сабаб, мактабда ўқиб юрган пайтимда С. исмли йигит менга сеvgи изҳор қилганида рад этгандим. Лекин унинг нимасидир бошқа йигитларга ўхшамасди. У Самарқандга ўқишга кетганди. Орасира мени йўқлаб келар, таътилга чиқганимизда қишлоқда тасодифан учрашиб қолардик. Ўша йигит яқинда мени суриштириб келди-ю, шунча қилиб юрган ифлосгарчилигимдан қўзим чарқлаб очилиб кетгандай бўлди. У билан боғда айландик. Мени ҳамон севишини айтди. Мен эса ўтмишимдан пушаймон бўлиб, унга нима деб жавоб қайтаришни билмадим. Кетди олдида: «Уйлаб кўр, мен сенга ҳеч ким беролмайдиган бахт ҳада этаман, уйлансан ҳам ёлғиз сенга уйланаман, жавобингни хат орқали ёзиб юбор», - деб ўтиниб сўради. Мен рози бўлдим. Шундан бери ўз ёғимда ўзим ёнаман. У менга бахт ҳада этмоқчи. Мен-чи? Номини топганлар бахти қаро қиз

қандай қилиб уни алдай? Тиббиёт йўли билан ўзимни оқлаб олишим мумкин. Виждонимни қайси йўл билан оқлайман? «Қўнғир ишининг қийғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади», дейишади. Мен ҳам бу таъқибдан холи эмаслигимни уйласам...

Кўнғироқ қилганим билан ҳеч нарсани ўзгартиб бўлмайди. Мен энди пешонамда борини кўраман. Ўзим тушган чоғга бошқа тенгдош дугоналарим тушмаслиги учун бу гапларни айтдим. Қизларга айтар гапим шундай: «Азиз дугонажонлар, йигитларнинг ширин сўзую, хушомадига учманг. Улар сизни алдайди. Муҳаббат бошқа-ю, хою-ҳавас бошқа-бошқа нарсаси. Сизни севган йигит ҳеч қачон сизга тўшакни тақдир қилмайди. Агар шундай ҳол юз бериш хавфи туғилса, ўша йигитнинг юзига ҳеч иккиланмай тупиринг. Афсуски, шу хулосам бир йил олдин ҳаёлимга келганида бунчалик изтиробга тушмаган ва мен ҳам ҳамма қизлар орзу қиладиган чимилдиқ ҳақида уйланган бўлардим. Мен адашдим, сиз адашманг».

Ўз айбига иқдор бўлиб турган бу жабрдийда қизга нима ҳам дердим. У ишқ муҳаббат борасида ўзига керакли хулосани чиқариб олибди. Унинг тақдирини сизда ҳам тақдорланмаслигини хоҳлардим, азиз сингилжонлар.

Тоҳир НОРИМОВ

ДУШАНБА 14

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

Телетомошбинлар диққати!

Профилактика муносабати билан душанба, 14 октябрь кунин «Ёшлар» телеканални кўрсатувлари соат 15.55 бошланади.

15.55 Кўрсатувлар дастури. «Астериксинг 12 жасорати». 1-кисм.

16.00 «Давр». Хафта ичидида кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.

15.00 «Тахлинома».

15.45 ТВ-анонс.

15.50 «Оштин». Теле-серия.

16.20 «Туртинчи ҳокимият».

16.40 «Бу ажиб фасл». Теле-фильм.

«Болалар сайёраси».

17.00 1. Санъат гунаҳлари.

2. «Олтин тож». Телевизион уйини.

18.10 «Олов тилсин ёв».

18.30 Муқомий танаффус.

18.45 «Мулк».

19.00 «Аския».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЁШОНЛАР

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эрталаки.

20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 «Ахборот».

21.05 «Қушиғимиз сизга армуғон».

21.25 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Париси бор уй».

21.45 «Гийҳандлик - аср вабоси».

22.05 Теннис бўйича Осиё чемпионати.

23.05 «Марсия». Теле-серия.

23.55 «Ахборот-дайжест».

00.15-00.20 Ватан тинчликлари.

СЕШАНБА 15

ЎЗБЕКИСТОН
ТЕЛЕВИДИЕНИСИ

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»

8.00 - 8.35 «Ахборот».

8.35, 17.55 ТВ-маркет.

8.40 Газетлар шарҳи.

9.00 Болалар учун. «Камалак».

9.40 «Соғлом она - соғлом бола».

10.00, 14.00, 18.00 ЯНГИ-ЛИКЛАР

10.05 «Мулк».

10.20 «Рангин дунё».

10.40 «Фарзанд - умид юлдузи».

11.00 Теннис бўйича Осиё чемпионати.

13.00 «Париси бор уй».

13.20 «Олтин дала». Пахтакорлар учун дам олиш дастури.

14.10 «КиноТеатр».

14.30 Тазкивано бўйича Ўзбекистон кубогини.

14.50 Кундагуз санъат: «Бошқис чавадос». Бадий фильм.

16.20 «Тарих кўзгуси». 3-кисм.

16.40 Муқомий танаффус.

16.55 «Ватанимга хизмат қилман».

18.10 «Баркамол авлод орузи».

18.30 «Инсон ва қонун».

18.50 «Куйла, ёшлим».

19.05 «Тасфилот».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЁШОНЛАР

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эрталаки.

20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)

20.30 «Ахборот».

21.05 Санъат усталарининг концерти.

21.25 «Ўзбекистон каналда илқ маротаба».

«Ошин». Теле-серия.

21.55 «Дунёраш».

22.10 Теннис бўйича Осиё чемпионати.

22.50 «Мувозаанат».

23.10 «Ахборот-дайжест».

23.30-23.35 Ватан тинчликлари.

«ЁШЛАР» ТЕЛЕКАНАЛИ

Профилактика муносабати билан душанба, 14 октябрь кунин «Ёшлар» телеканални кўрсатувлари соат 15.55 бошланади.

15.55 Кўрсатувлар дастури. «Астериксинг 12 жасорати». 1-кисм.

16.00 «Давр». Хафта ичидида кўрсатувлари соат 15.00 дан бошлаб кўрсатилади.

15.00 «Тахлинома».

15.45 ТВ-анонс.

15.50 «Оштин». Теле-серия.

16.20 «Туртинчи ҳокимият».

16.40 «Бу ажиб фасл». Теле-фильм.

«Болалар сайёраси».

17.00 1. Санъат гунаҳлари.

2. «Олтин тож». Телевизион уйини.

18.10 «Олов тилсин ёв».

18.30 Муқомий танаффус.

18.45 «Мулк».

19.00 «Аския».

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 ЁШОНЛАР

19.30 «Ахборот» (рус тилида)

20.00 Оқшом эрталаки.

20.15 Биржа ва банк хабарлари.

20.30 «Ахборот».

21.05 «Қушиғимиз сизга армуғон».

21.25 2002 йил - Қарияларни қадрлаш йили. «Париси бор уй».

21.45 «Гийҳандлик - аср вабоси».

22.05 Теннис бўйича Осиё чемпионати.

23.05 «Марсия». Теле-серия.

23.55 «Ахборот-дайжест».

00.15-00.20 Ватан тинчликлари.

«ТОШКЕНТ» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал: «Гросс поинт». 6-кисм.

17.40, 19.10, 21.50 «Экспресс» телегазетаси.

18.00 Болаларлар экранни.

«Астериксинг 12 жасорати». 1-кисм.

18.30, 20.00, 21.10, 22.10 «Пойтахт». Ахборот дастури.

18.50 «Халқ саломатлигини йўлга».

19.30 «Спорт ва болалар».

19.45 «Аёл қалби».

19.55 «Жизба».

20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».

21.30 - Кино-вечер на «30-м».

21.30 «Авто-новости».

22.35 Кино-вечер. «Уйғонган даврининг вақти».

00.35-00.40 «Хайрли тун, шахрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛИ

16.45 Кўрсатувлар тартиби.

16.50 «Вести».

17.05 «Евро-юс» янгиликлари.

«БИРИНЧИ КАНАЛ»

17.20 «Хазил кетидан хазил». Хазил кўрсатуви.

18.00 «Мени куттигил».

19.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Теле-уйини.

20.00 «Время».

«УзТВ-IV»

20.40 «Каменская». Сериал.

21.30 «Соғинч».

21.45 «Мухаббат даври».

Сериал (сўнгги серия)

22.35 «Юлдашлар фабрикаси».

23.00 «Ахборот» (рус тилида)

23.35 «Тунингиз осуда бўлсин!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛИ

17.15 Кўрсатувлар тартиби.

17.20 ТТВда сериал: «Гросс поинт». 7-кисм.

17.40, 19.20, 22.00 «Экспресс» телегазетаси.

18.00 Болаларлар экранни.

«Астериксинг 12 жасорати». 2-кисм.

18.30, 20.00, 21.10, 22.20 «Пойтахт». Ахборот дастури.

18.50 «Туризм ҳақида».

19.40 «Аёл-она, мураббий, раҳбар» телеклуби.

20.30 ТТВда сериал: «Азизим Изабелла».

21.30 Муқом наволар.

22.35 Кино-вечер. «Сирлар».

00.15-00.20 «Хайрли тун, шахрим!»

«ХАЛҚАРО» ТЕЛЕКАНАЛИ

6.30-8.00

16.45 Кўрсатувлар тартиби.

16.50 «Вести».

17.05 «Евро-юс» янгиликлари.

«БИРИНЧИ КАНАЛ»

17.20 Е. Петросининг Кул-гу панорамаси.

18.00 «Ойлави ришталар».

Сериал.

19.00 «Сўнгги қахрамон-2».

«Ок ва қора».

20.00 «Время».

«УзТВ-IV»

20.40 «Каменская». Сериал.

21.30 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)

21.40 Премьера. «Адоф Гитлер. Бир томонлама чипта».

20.25 Ёшлар наволари.

20.45, 21.20, 22.35 ЁШОНЛАР

20.50 «Эсмеральда». Теле-серия.

21.55 Ёшлар овози.

22.45 Олтин мерос.

22.00 Давр.

22.20 ТВ-анонс.

22.45 «Мухаббат қаҳваси».

Теле-серия.

23.10 «Ёшлар» телеканалда спорт дастури: Нокуат.

23.35 Давр.

23.50 «Ҳақиқат қаҳваси».

Сериал.

00.15-00.20 Хайрли тун!

фильм

11.10 - «Лето нашей тайны».

11.50 - «Идеальная пара».

13.30 - «Яго, темная страсть».

14.10 - Детский час

15.00 - Дневник кинозал:

«Тихие страсти Магдалены».

15.50 - Спорт на «30-м»

16.50 - Час шоу

17.40 - «Теле-хамкор».

Фойдала газета

18.00 - «Крот 2», сериал

18.55 - «Ошикона», мусикий дустури

19.10 - Кино-вечер на «30-м»

«Операция «Самуи».

боевик

20.45 - «Теле-хамкор».

Фойдала газета

21.05 - «Клип-сова», теле-табринома

21.20 - «Спокойной ночи, малыши!»

21.30 - Кино-вечер на «30-м»

«Взрыватель», боевик

23.15 - Титаны ристинга

00.00 - Программа передач

фильм

5.00 Телеканал «Доброе утро»

8.00, 11.00, 14.00, 17.00 Новости

8.15 Жди меня (с сурдо-переводом)

9.10 Многосерийный фильм «Сердце трех».

4-я серия

10.20 «Фабрика звезд»

13.05 Дисней-клуб: «Перемена»

11.15 Детектив «Бабочка в серых тонах»

13.05 Фильм «Время любить»

14.15 Детектив. «Черный передел».

14.50 Детектив «Дронго».

16.00 «Большая стирка»

17.20 Смехопанорама Евгения Петросяна

18.00 «Семейные узы».

Сериал

19.00 «Последний герой-2».

«Черное и белое».

20.00, 23.00 Время

20.40 Сериал «Спецназ».

«Сломанная стрела»

21.40 Премьера. «Адоф Гитлер. Билет в одну сторону».

Фильм 1-й

22.30 «Фабрика звезд»

23.15 Фильм «Сталин».

Часть 1-я

24.25 Триллер «В темноте»

ТРК

3.45 - 6.45 «Доброе утро, Россия».

6.45 Фильм «Такер: человек и его мечта».

9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.20 ВЕСТИ.

9.25 ВЕСТИ-СПОРТ.

9.25 Ток-шоу «Цена успеха».

10.20 «В Горошке».

10.25 ВЕСТИ НЕДЕЛИ.

11.30 ВЕСТИ-МОСКВА. НЕДЕЛЯ В ГОРОДЕ.

12.25 «Что хочет женщина».

Ток-шоу

13.20 Сериал «Семнадцать мгновений весны».

14.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.

15.20 Теле-сериал «Дикий ангел. Возвращение».

16.20, 18.35 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.

16.50 Сериал «Ворова. Счастье наркоток».

17.50 Спокойной ночи, малыши!

18.55 Сериал «Бригада».

20.05 Сериал «Линия защиты».

21.35 «Культурная революция».

22.35 «Синема».

23.05 «Дорожный патруль».

ТРК

7.30 Религиозная передача.

8.00 Мульти-сериал «Ураган-зонка».

8.30 Мульти-сериал «Мумии возвращаются».

9.00 Х\ф «ПРОЩЕНИЕ».

11.00 Х\ф «ИСПАНСКАЯ АКТИСА ДЛЯ РУССКОГО МИНИСТРА».

13.30 Теле-сериал «АМА-ЗОНКА».

14.30 Х\ф «СУПЕРМОЗГ».

20.35 Будете здоровы!

20.50 Пять минут деловой Москвы.

21.00 Детектив. «РАЗОРВАННЫЙ КРУГ».

21.35 Особая папка.

22.00 Временко.

24.50 Петровка, 38.

1.30 Русский век.

2.05 Мир вокруг нас.

2.35 Дневник В Евразийского телефору.

ТРК

3.45 - 5.45 «Доброе утро, Россия».

6.45, 18.55 Сериал «Бригада».

7.50, 20.05 Сериал «Линия защиты».

9.00, 12.00, 15.00, 18.00, 21.20 ВЕСТИ.

9.25 ВЕСТИ-СПОРТ.

9.25 Ток-шоу «Цена успеха».

10.25 «Комиссар Рекс».

Теле-сериал

11.30 «Колоссальные хозяйств».

11.45 ВЕСТИ-МОСКВА.

12.25 «Что хочет женщина».

Ток-шоу

13.20 Сериал «Семнадцать мгновений весны».

14.45 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.

15.20 Теле-сериал «Дикий ангел. Возвращение».

16.20, 18.35 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.

16.50 Сериал «Ворова. Счастье наркоток».

17.50 Спокойной ночи, малыши!

21.35 Фильм «Инстинкт убийства»

23.25 «Дорожный патруль».

ТРК

5.00, 5.30, 6.00, 6.30, 7.00, 7.30, 9.00, 10.00, 11.00, 13.00, 14.00, 15.00, 16.00, 17.00, 18.00, 21.00 «Сегодня».

5.05, 5.35, 6.10, 6.35, 7.10, 7.40 УТРО на НТВ

7.50 Сериал «ДАЛЬНОБОЙЩИКИ».

9.20 Погода на завтра

9.25 «НАЦИОНАЛЬНАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ».

10.05 «КУЛИНАРНЫЙ ПОЕДИНОК».

11.05 Фильм «ХРОНИКА ПИКИРУЮЩЕГО БОМБАРДИРОВАШКА».

12.45 КРИМИНАЛ

13.05 «ЖЕНСКИЙ ВЗГЛЯД».

13.45 Детектив «ОНА НАПИСАЛА УБИЙСТВО».

14.40 Ток-шоу «ПРИНЦИП ДОМИНО».

15.55 ВКУСНЫЕ ИСТОРИИ

16.05, 21.35 Сериал «УЛИЦЫ РАЗБИТЫХ ОСНАРЕН».

17.20 Драма «ПРЕСТУПЛЕНИЕ И НАКАЗАНИЕ».

18.35, 22.35 Детектив

НТВ

- Қани, гапир-чи, нима қилдинг, ахмоқ?! - қаршимда дадамнинг қаҳрли нигоҳи бор залвориб билан босиб, аъзойи-баданим оғир юкни кўтари тургандек бир алфозда.
(Давоми бор.)

Райимқул БЕГИМҚУЛ

Синглим Дилноза, сизга мен ҳеч тушуна олмадим, сабаби сиз ҳали бегубор қиз бола бўла туриб, нега иккинчи хотин бўлишга тайёрсиз?.. Нима учун сиз ўзингизни пастга урмоқдасиз? Сизга кимлар уйланмайди дейсиз? Нега шошиласиз? Ҳаётда сиз ўйлаган ҳамма нарса рўёбга чиқавермайди. Ҳаётнинг ўзига яраша ачиқ ва машаққатлари бисёр, синглинам, буни ёдда сақланг. Сизга ўхшаб, севишганлар никоҳдан кейин турмуш сўмоқларининг тўғаноқларига бас келолмасдан никоҳни бекор қилдилар. Ушалар ҳам худди сиздек севишганлар, бир-бирлари билан бирга бўлишни интизор кутганларидир. Баъзи бир йигитларимиз ёки эркекларимиз қиз-жувонларни алдаб «эркак»лик шаънларига доғ туширадилар. Бундайларни мен эркак деб ҳисоблай олмаман, афсуски. Синглим ҳали ҳам кеч эмас, Шерзод акангизни иложи борича унутинг, ундан узокроқ юринг. Яна сизга гапириб қол-жонингизга қўймаса, унга шундай денг: «Бировнинг бахтсизлиги эвазига бахтли бўла олмаман. Бундай бахтдан кечдим. Мени тинч қўйинг. Мен ҳали ўзимга муносиб тенг-қуримин топаман», деб

уни лол қолдиринг. Сезишмича, у сизни моддий таъминлаши мумкин, маънавий таъминлай олмади. Чунки унинг оиласи бор.

НАФСНИ ЖИЛОВЛАШ ҲАМ МАРДНИНГ ИШИ

Афсуски, мен минг гапирмай, сиз юрагингиз амрига бўйсинасиз. Шунинг учун сизга бир яқин дугонамнинг бошидан ўтган воқеани айтиб берай, хулосани ўзингиз чиқариб olasiz...

Дугонам 28 ёшда, турмушдан ажралган, сабаби бефарзандлик... У ўқимшли, яхши оиланинг қизи. Ўзига тўқ, икки хонали уйи бор. Моддий таъминотга эга. Ойлар ва йиллар ўтиб, бир оилали йигит билан танишиб, уни севиб қолади, йигит ҳам севади. Ўзаро дардларини бир-бирига баён этгач, йигит уни иккинчи хотин қилиб оламан, «посбонинг бўламан» деб, ўз қармоғига илинтирди. Бева ва ёлғиз қолган аёл унга чин юракдан ишонади. У йигит хотини касаллигини, жанжалкашлигини айтиб унга никоҳ қўйтиб уйланади. Бундан қизнинг ҳам, йигитнинг ҳам оиласи аста-секин хабар топади. Дугонам моддий жиҳатдан тўқ эди. Дас-

тлаб улар яхши яшабди. Хар икки оиланинг вақилини бир-бир қилиб меҳмон бўлиб ҳам кетишадилар. Бундай ҳол бир йилу 6 ой-

бўлади. Чунки дугонамнинг фарзанди йўқ эди. Бора-бора йигитнинг отаси келиб жанжал кўтаради. Эмишки, дугонам ўғлини

да бериб вақт ўтгач, иши битгач, яна янги хуштор, бойроқ жазман изламаслигига ким кафолат беради? Синглим, бу ўтқинчи дунёда сиз ҳам, мен ҳам, ҳамма меҳмондир. Шунинг учун теранроқ ўйлаб, турмуш сўмоқларида қоқилмайлик, аёлмиз, қиз боламиз, барибир бугунга эмас келажакка боқиб, эртани ўйлаб яшайлик. Мен сизга инсонийлик жиҳатдан маслаҳат бериб, ҳаётда адашмай ўз ўрнингизни топишнинг хоҳладим, холос. Хар қандай шароитда ҳам богбон қўли тегмаган гўлсиз. Ўзингизнинг пулини чўғи пасайгач, йигит беиз йўқолди. Гоҳ-гоҳида пайдо бўлиб, қиздан пул талаб қилади. Пул йўқ бўлса уни уришади, уради, сўқади. Дугонам барибир ҳамон уни севади. Лекин у йигит бир куни боши деворга текканда дугонамни қилган яхшиликларини унутмасе бас... Мен дугонамнинг тақдирини оламга дастурхон қилмоқчи эмасман, ҳаётнинг ана шундай мураккаб, киши англаб бўлмас жумбоқлари борлигидан сизга ўхшаган юрдошларимни огоҳ этмоқчиман. Ким билади дейсиз, ҳозир шу дугонамни эри бошқа бир моддий таъминотга эга инсонни топиб, унга ҳам қоп-қоп ваъ-

ЭСЛАТМА: Шерзод исмли йигит билан танишиб, хар куни унинг машинасида ишга кетадиган бўлдим. Бир куни у мени ёқтириб қолганини, агар рози бўлсам иккинчи хотин қилиб олишини айтди. Ўзим ҳам уни ёқтириб қолгандим.

Аммо унинг оиласи, ширингина қизалоғи борлигини, ота-онам эса оилали одамга турмушга бермасликларини ўйласам қийналиб кетаман...

ДИЛНОЗА

“Севгимизга тўсиқлар, қаршилиқлар кўп” — 22-сон

гача тақорланаверади. Бу орада дугонам йигитнинг барча айтганларини қилиб, унинг оиласидан, укаларидан ўз ёрдамини аямайди. Керак жойда қарзга ботса ҳам, уни сўзини икки қилмайди. «Ўтиб есанг тоғ чидамас», деганларидек, дугонам барча имкониятидан фойдаланиб бўлади, энди нават тилла тақинчоқларни сотишга келади. Йигитнинг эса муаммоси кўпайгандан кўпаяди. Дугонам тақинчоқларини сотиб, пулини йигитга беради. Хатто уйдаги баъзи буюмларни ҳам сотишга мажбур бўлади.

Акс-садо

бутилла хотинидан тортиб олармиш! Йўқ, асло дугонамни ундай нияти йўқ эди. Уни фарзандларини ўз фарзандидек кўриб, тақдирга тан берган эди. Йигитни отаси, оиласи буни билмади. Охири дугонамнинг пулини чўғи пасайгач, йигит беиз йўқолди. Гоҳ-гоҳида пайдо бўлиб, қиздан пул талаб қилади. Пул йўқ бўлса уни уришади, уради, сўқади. Дугонам барибир ҳамон уни севади. Лекин у йигит бир куни боши деворга текканда дугонамни қилган яхшиликларини унутмасе бас... Мен дугонамнинг тақдирини оламга дастурхон қилмоқчи эмасман, ҳаётнинг ана шундай мураккаб, киши англаб бўлмас жумбоқлари борлигидан сизга ўхшаган юрдошларимни огоҳ этмоқчиман. Ким билади дейсиз, ҳозир шу дугонамни эри бошқа бир моддий таъминотга эга инсонни топиб, унга ҳам қоп-қоп ваъ-

Муҳайё БЕРКИНОВА
Жиззах шаҳри

САБР — БОЙЛИК СЎРАМАС

“Хатоимни тушуниб етдим...” — 12-сон



ЭСЛАТМА: Бир йигитни ёқтирсам-да, отамни дўстининг ўғлига турмушга чиқдим. Вақт ўтиши билан чин муҳаббат фазилатларга бой — мард кишиларда бўлишини тушундим...

ГУЛҲАЁ

Мен водийликман. Олийгоҳни тамомлаб нуфузли бир бошқармада ишляпман. Ҳали турмушга чиқмаганман. Мен ишлаётган бошқармада турли вилоятлардан ҳарбий йигитлар келиб тахсил олиб кетишади. Уларнинг ичидан мен билан қизиқаётган, кўнгил қўйган йигитлар ҳам бор. Лекин мен шошмашошарлик билан бир қарорга келолмайман. Чунки бу умр савдоси, ота-онамдан йироқда мени қандай ҳаёт кутади. Ёки у йигитни ота-онаси мени қандай қабул қилдилар, каби хаёллар билан яшайман. Гулҳаё, сизга росаям ҳавас қилдим, ўз шаҳрингиздан, яна шундай бамаъни, маданиятли йигитга турмушга чиқибсиз. Сиз

учун қутилмаган бахт-қу бу. Сиз бўлсангиз... Ота-онангиз ҳам ёнингизда, ёрингиз сизни севади. Ҳаётни кузатинг, атрофга қаранг, не-не бахтсиз инсонлар бор. Шуларни кўриб хулоса чиқаринг. Сабрли бўлинг, ақилларингизга меҳр беринг — меҳр кўрасиз, қадрланг — қадрли бўласиз. Қаердадир ўқигандим: “Хар қандай оиланинг бахти, мустақамлиги эр-хотин бир-бирини қадрлай олиши билан ўлчанади. Қадрлаш — кўнгилларни пайвандлайди. Муҳаббат қадрига етиш қадр топишдан-да юксакроқ туйғу”, дейилганди.

Бир пайтлар жуда гўзал, бағоятда ақлли бир муслима қиз бўлган экан. Унга жуда кўп йигитлар совчи бўлибдилар. Не сабабми, ўша гўзалнинг бахти очилавермабди. Тақдир насиб экан, шу гўзал қиз бир бадбашара, беўшов йигитга турмушга чиқибди. Йигит ўзи жудаёқ кўрмисиз бўлгани билан Оллоҳни таниган, қалби чиройли экан. Эр-хотин бир-бирига меҳр қўйиб, бир-бирини авайлаб фарзандлар кўриб яшай бошлабдилар. Аёл эрини жуда ҳурматлар, эркак эса аёлини севиб, еру кўкка ишонмаскан. Кунлардан бир куни эркак аёлига савол берибди: “Сен шундай гўзал ва дилбар аёлсан, менга бўлган ҳурмат эҳтироминг учун хар доим тангримга шукроналар айтаман. Сен эса шундайин хусни тароватинг билан менингдек бадбашара эр билан умргузаронлик қилиб келмоқдасан. Бунинг боиси недир?” Аёл дебди: “Мен Оллоҳга ва унинг тақдирига ишонаман, сени ҳурматлайман, сен бошпанамсан, мен Оллоҳга сабр қилиб яшайман, сен эса шукр қилиб яшайсан, қиёматда сен шокирлар (шукр қилувчилар) мен эса собиралар (сабр қилувчилар) сафида бўламан ва ҳақ таолонинг ризолигига эришамиз”, деган экан.

Гулҳаёхон, гулларнинг сарвари, томларнинг мармари, сеvimли ёрининг эркаси, бахтли хонадоннинг бекаси бўлишингизни сўрайман. Қадрлаб қадр топинг.

МУХЛИСА

Фаргона

“Кийимга қараб баҳо бериш тўғримики?” — 39-сон 2001 йил

Нилуфархон синглим, дил изхорингизни ўқиб жуда таъсирландим. Шу сабаб сизга бир воқеани айтиб бермоқчиман.

Укамни уйлантириб онажонимнинг боши

ЭСЛАТМА: Тиббиёт билим юртида ўқиб юрганимда касалхонага амалиётга бордик. Ўша ерда бир йигит билан танишиб қолдим. Тез-тез учрашадиган бўлиб қолдик. Аммо онаси менинг сувартичини кўриб: “Шим киядиган қизга уйланмайсан!”, деганидан сўнг биз бир-биримиздан айрилдик. Наҳотки, одамнинг кийинишига қараб ўзига баҳо бериш, тақдирни ўзгартириш осон бўлса...

НИЛУФАР

ҚАРИНДОШДАН ҚИЗ ОЛМАНГ

жанжалдан чиқмай қолди. Қариндошимизни қизини келин қилгандик. Келин келинмас, бошимизга битган бало бўлди. Укам билан яшаган 6 ой ичида 20 марта жанжал бўлди. Отаси аралашиб икки ёшнинг ҳаётига зомин бўлди. Келинимизнинг отасига мен: “Буларнинг ҳаётига аралашманг”, дедим. Лекин у: “Худони олдида ўзим жавоб бераман, қизим чиройли, ҳали уйланмаган йигитлар олади”, - дейди. Укам бахти учун курашди, лекин келиннинг отаси: “Қизим сен билан яшамайди, бойга бераман”, деб қизини ахратиб олиб кетди. Мен бўлган воқеани айтаяпман.

Ўшанда келинимиз укамга: “Ҳали ёшман, ҳаётим олдинда, кимга тегишни ўзим яхши биламан”, - деди. Хуллас, оила бузилди.

Орадан бир ой ўтиб, келинни аммаси тўй қилди. Тўйга, қариндош бўлганимиз учун биз ҳам бордик. Ўша тўйга бизнинг собиқ келинимиз ҳам борган экан. Лекин укам унга бирор марта ҳам қиёбоқмади. Келинимизнинг аммалари, амакилари, янгалари: “Сен жиянимизни бахтсиз қилдинг”, деб тўй тугагандан кейин укамга тармашиб ура бошлашди. Уларнинг қўлидан укамни қутқариб олдим. Қариндошдан кўра етти ёт бегонага уйланган яхши бўлар-

кан. Ўша тўйдаги ваҳшийликни кўриб, ўртამиздан меҳр-оқибат қўтарилиб кетганини англадим. Бир кунлик тўй ўтиб кетади, лекин ўртадаги қадр-қиммат йўқолади. Мен бу хатни жуда таъсирланиб ёздим. Меҳридарё онажоним укамни кучоқлаб: “Сени мен ўзим бахтсиз қилдим”, деб йиғлаганларидея юрак-бағрим эзилиб кетди. Укамга Нилуфардай севгисига содиқ қизлар учрасин, йўллари ёруғ бўлиб қолсин. Онажонимнинг тилаги ҳам шу.

Нилуфар синглим, йигитингиз ўз севгиси учун курашмаган. Сиз уни “яхши инсон” дебсиз. Яхши йигит бўлса, севгиси учун курашмасмиди? У сиздан олдин уйланиб олибди-ку, яхши кўриш шундай бўладими? Сиз ҳам турмушга чиқинг, бахтли бўлинг, сеving ва севилинг. Чунки ўзим ҳам яхши кўриб турмуш қилганман, бахт нималигини жуда яхши биламан.

Нилуфарой, доимо виждонингиз пок бўлсин, юрагингиз тоза бўлсин, кимга турмушга чиқсангиз ҳам бахтли бўлинг. Хар бир инсон бахтли бўлсин. Мен бу хатни жуда таъсирланиб ёздим. Укам уйланган куни “Оила ва жамият”га хат ёзиб, тўйга таклиф қиламан. Бу менинг чин сўзим.

ШАКАРОЙ

Сурхондарё вилояти

Азиз Гулмира НАСУЛЛАЕВА!
Сизни 19 октябр — таваллуд кунингиз билан кутлаймиз. Соғ бўлинг.

Турмуш ўртоғингиз Юсуф, фарзандларингиз Гулжаҳон, Ситора, Шохжаҳон.
Бухоро вилояти

Хурматли онажонимиз Мухаббатхон ИЛХОМОВА!
Сизни 53 ёшга тўлишингиз билан табриклаймиз. Сизга узоқ умр, соғлиқ тилаймиз.

Садриддин ва оила аъзоларингиз

МУСЛИМА ОПА!
Сизни 19 баҳорингиз билан, асалтой жияним Абдулатифни 1 ёшга тўлиши билан кутлайман. Сизларга бахту саодат ёр бўлишини тилайман.

Синглингиз Малика

Азиз ва хурматли ўғлим АДХАМБЕК!
Сени 13 октябр — таваллуд айёминг, яъни 27 ёшинг билан чин дилдан кутлаймиз. Яратгандан сенга фақат оилавий тинчлик, сўхат-саломатлик ва ишнинг ривожини сўраб қоламиз дея оила аъзоларинг номидан жиянин Шохруҳбек ва отанг.

РЕСПУБЛИКА "ОИЛА" ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ ҚОШИДАГИ "ОИЛА ЗИЙНАТИ" МАРКАЗИ
Кизларни ва келинчаларни оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида куйидаги ўқув курсларни ташкил этди:

2 ОЙЛИК:
1. Бичиш-тиқиш (тезор куруш). 2. "Элита" усулида пардалар, чойшаблар тикиш. 3. Олий даражада торт ва салатлар тайёрлаш. 4. Сартарошлик. 5. Компьютер билимлари. (Windows-98). 6. Массаж. (амалиёти билан). 7. Фантазияли гул безакларини ясаш. 8. Косметология.

3 ОЙЛИК:
1. Зардўзлик (Бухороча). 2. Машинада гул тикиш, (вишичка). 3. Кўрпа-кўрпача ва тун тикиш. 4. Юмшоқ уйинчоқлар ва бешик асбобларини тикиш.

4 ОЙЛИК:
Бичиш-тиқиш (бошловчилар учун).
Машгулотлар амалиёт билан бирга қўшиб олиб борилади. Кам таъминланган оила фарзандларига чегири-малар бор. Битирувчиларга диплом-сертификат берилади.

Телефонлар: 45-18-68, 29-28-58.
1. Манзил: Фурқат кўчаси, 1-уй. Спорт кўмитаси биноси ёнида, 4-кават, 410-хона. Мўлжал: метронинг "Халқлар Дўстлиги" бекати.
2. Манзил: Миробод тумани Олтин кўл 2 тор кўча, Қора сув маҳалла идораси, мўлжал Ресвий бозор, (Узмасомолтор) Тел: 191-78-02.
3. Манзил: Қора-Қамши дахиси 2/3, 31-уй, 56-хонадон. Тел: 29-61-86, 29-53-34.

Профессор Эргаш Салимов клиникиси барча турдаги аллергия, бўгин, ошқозон-ичак хасталиклари, касалманд, нимжон болаларни махсус усулларда даволайди. Бронхиал астма хасталигида гормонлар дорилар қўлланмайди. Аллергия касалликлари аниқлаб, даволашда турли аллергияларни қўйиб синалади. Иш вақти соат 8 дан 17 гача.

МАНЗИЛИМИЗ: Тошкент, Уйғур Хўжаев кўчаси, 4-уй, 10-хона. Автобуслар — 27, 35, 46, 53, 91. Трамвай — 8. 1-шаҳар клиникиси бекати. Тел: 49-43-33, 42-56-50.

ОИЛА-23
Тошкентлик, 60 ёшли, аёли вафот этган, уй-жойли, зиёли ва оқил эркак, бева ёки бир фарзанди бор 55 ёшгача бўлган аёл билан танишишни истайди.

Кўнглим Ниманидир СЕЗАРДИ...
Уч йил илгари куз чоғида касалхонани, ундаги беморни кўрдим, Зоир укам ҳадеб қонтомирига уқол қилмоқчи бўляпти. Мен: "Ахир сен уқол қилишни билмайсан-ку, ундай қилма", — деб қаршилик қилганман. У эса барибир игна-ни санчи, игна эса қонтомирни ёриб чиқиб кетди. Уша кунлар кўнглим ниманидир сезиб, уйкумда ҳаловат бўлмади. Тўшларимда онанинг ўлган қариндошлари давра қуриб ўтириб, менинг узоққа тушганим, тез-тез келмаслигим ҳақида гапиришарди. Борсам, қиёмат қойим! Тўшмага эътибор қилиб аввалроқ кўзгалганимда, онамни сўнгги бор кўришдан бенабис қолмаган бўлардим. Бу энди бир умрлик армон менга. Операциядан яхшигина чиққан онамга ўша Зоир укам қон бергач, қон томири ёрилиб кетган экан, сўнгги ури-нишлар бекор кетибди...

Ойимноз УСАНОВА

ЖИИ ДАФ ҚИЛГАН ГҲАКААР
Онам жуда гўзал, сочлари узун аёл бўлган эканлар. Келинчалар чўғларида қўшни аёллар онанинг сочларини нақ қирқта қилиб ўришаркан, сўнг: "Илоё, кўз тегмасин" деб сочлари ва орасига кўзунчоқ илдириб қўйарканлар. Лекин онам бора-бора ҳеч чехраси очилмайдиган, сочларига ҳам қарамайдиган бўлиб қолибди. Сабаби, "бўйимда бўлди" деб қувонаркану, лекин болалари ёруғ дунёни кўрмай нобуд бўлавераркан. Тўртинчи фарзандига ҳомилдорлик чоғларида ўзларини аяб, ҳеч қаерга чикмай қўйибдилар. Бир кун сочларини ювиб бўлгач, жуда зеркибди ва қўшни аёлни чақириб бирпас гаплашиб ўтирмоқчи бўлибди. Қўшни аёл чикибди бирга чой ичишибди, сўнг у онанинг сочларини яна аввалгидай қирқта қилиб ўрибди. Қўшни аёл чикиб кетгач, онам дахлиздаги дастурхонни йиғиштириб, сўнг бироз дам олгани уйга кирибдилар. Қарасаки, уй тўрида ҳаммаёғи жун билан қопланган калтагина махлуқ тиржайиб турганимиз! Онам кўриб кетибди, "вой!" дея қичқириб юборибди, сўнг ортга қайтаётиб останага қоқилиб йиқилибди хушидан кетибди.

Кечқурун отам дала юмушиндан қайтса, ҳалиги аҳвол. Онанинг чеккалари ёрилган, юзлари қонталаш. Дарҳол сув сепиб уни ўзига келтирибди, дўхтир чақирибди ва бўлган воқеани эшитгач, онамни тинчлантирибди. Шундан сўнг кўп ўтмай, онам туғруқхонага борар бўлибди. Бироқ, бола бу гал ҳам нобуд бўлибди. Шундан сўнг отам қишлоғимиз кексаларидан маслаҳат сўрабди, улар биз яшаётган уйнинг ўрни илгари хароба бўлганлигини айтишибди. Ушанда айни кишининг чилласи экан, отам қўлига кетмонни олиб қишлоқ чеккасида

янги жой очибдилар, у ерга иморат қура бошлабдилар. Қиш айёзида усталар жуда қийналишиб, отамга: "Мамат оға, шу уйни ёзга чикиб қурсак-чи", дейишибди, отам кўнмабди. Эндиги фарзандимнинг ҳам нобуд бўлишини истамаман, кетсанглар бошқа уста ёллайман, уйни қўқламгача битиришимиз керак", дебдилар. Уй ҳам битибди. Онам ўшанда ҳомилдор эканлар, янги уйга кўчишибди, дарҳол кўз ёрийдиган бўлибди. Фарзанди қизалоқ экан, эсон-омон туғилибди. Қўшни қанчалар гўдакни чопонларига тамагига солишиб, бирма-бир ҳамма уйларга киргизиб чиқибди. "Хой, яхши ниятлар, шу чақалоқ турсинми?" дейишса, уй эгалари "Турсин, турсин!" дейишибди. Сўнг тўнғич қизга Турсундай деб от қўйибди. (Турсундай отам ҳозир Қўқонда яшайдилар.) Ундан сўнг мен туғилибман. Хуллас, онам уч қиз, икки ўғилни яйраб-яйраб катта қилдилар. Ўзлари янаям очилиб, гўзаллашиб кетдилар. Бахт одамни қироили қилиб юбораркан...

Ўша кезларда қишлоқ кексалари отамга: "Қиш чилласида уй қураётганимда биз сени жиннига чиқариб қўйгандик, болам. Тўри қилган экансан. Балки, нобуд бўлган болаларинг ўша харобага ин қўйган жинларнинг қилмиши оқибатидир. Ахир бу дунёда биз билмаган сирлар қанча... Сен девнинг ишини қилиб, қиш давомида янги уйни битказдинг, сенга қойил қолдик", дейишибди. Шу-шу отамнинг лақаби "Мамат дев" бўлиб кетибди. Ҳозиргача отамнинг ҳаётлик чоғидаги ўртоқлари бизни қўриб қолишса, "Ха, Мамат девнинг кизлари, тинч-омонгина юрибсизларми", дейишади отамни эслаб қўзларига ёш олишади. Ота-онамиз биз фарзандлар учун не-не қийинчиликларга дўна-бўлишганини эслаб, уларнинг пок рухларига тиловат қиламан ҳар доим...

Ч. МЕЛИҚУЗИЕВА

"BEGOYIN - SERVIS"
Ўқув маркази кизларни турли хил курсларга тақлиф қилади:

Сартарошлик 1 ой (гўй ва оқшом гуллари); Сартарошлик 2 ой (бошлангич); Бичиш-тиқиш 4 ой; Қандолатчилик 2 ой (торт, салат, печенье); Уй ҳамшираси 2 ой (амалиёт билан); Массаж 2 ой; Парда 2 ой (парда, паркевал, чойшаблар тикиш); Олий даражадаги қандолатчилик 1 ой (келин-куёв ясаш, торт безатишлар); Косметология 2 ой (амалиёт салонда); Инглиз тили 3 ой (бошлангич); Автослесарлик; Ўғил болалар учун 3 ой (электрик, моторист, чилангир, костапав).
Ҳамма дарслар амалиёт билан ўтिलाди ва диплом берилади.

Мўлжал: Поликлиника, Ўрда бекати
Манзил: Мустақиллик метроси, Алишер Навоий кўчаси, 2-уй, 74-хона
Телефонлар: 144-40-47, 41-16-63

"САНАМ-СЕРВИС" замонавий ўқув маркази касб-хунар курсларига йигит ва кизларни тақлиф этади.

4 ОЙЛИК
1. Бичиш-тиқиш (чоҳдан бошлаб); 2. Товуш талаффузидида камчиликларни бартараф этиш; 3. "Зардўзлик" (Бухороча); 3. Ойлик 4. Фото суратга олиш; 5. Замонавий усулларда "Элита" парда, чойшаб ва беҳирим ёстиқлар тикиш, уй безатиш; 6. Торт, салатлар тайёрлаш (келин-куёв ёрдамлаган торт тиқиш (олий даражадаги кулинария — 10 кун); 7. Ҳамширалик (амалиёт билан); 8. Массаж (амалиёт билан); 9. Инглиз тили (бошлангич ва давом эттирувчилар учун). Машгулот кинотасмалар ёрдамида хл олиб борилади; 10. Радио-техника таъмирлаш; 11. Компьютер; 12. Бухгалтерия; 13. Юмшоқ уйинчоқлар тикиш; 14. Қаштачилик (машинада вишичка); 2. Ойлик 15. Фантазияли гул безакларини аса; 16. Косметология; 17. Сартарошлик (амалиёт салонда олиб борилади). 1. Ойлик 18. Бадий манокор ва педикюр.

Диккат!!!
Хар бир курсларга тезор гуруҳлар мажбур. Ўқини битирганларга диплом берилади.
"Элита" парда-чойшаблари, фантазияли торт тайёрлаб бериш ва оқшом либосларини тикиш учун буюртма қабул қиламиз.
Косметолог ёрдамида юз терисини даволаймиз. (Зиллол)

Айрим соҳалар бўйича иш билан таъминлаймиз.

Манзил: Ниязов кўчаси 6-уй, Таянчалар шаҳарчаси 806 ётоқхонаси, 9 кават 13 хона. Мўлжал: 1. Манзил: Мустақиллик йида. Авт: 10.86, 14.90. Тел: 32-32.
2. Манзил: Миробод тумани, Абросий кўчаси 5-уй. Мўлжал метронинг "Ойбек" бекати ёнида жойлашган 16 каватли бинонинг 1 кавати. Авт: 57.58.67.38.
3. Манзил: Себоз даҳиси, 310 лицей мактабининг 1 кавати Авт: 100.475.123; Трол: 26.3, 14; Телефонлар: 8.00-22.00 гача 49-18-71; 105-20-59.
10.00-16.00гача 46-58-11; 46-49-16, 56.34-10; 17.00-22.00гача 40-20-59.

"Дилбарим - сервис"
ЗАМОНАВИЙ ЎҚУВ МАРКАЗИ
СИЗЛАРНИ КУЙИДАГИ КУРСЛАРГА ТАҚЛИФ ҚИЛАДИ.

1 ОЙЛИК: Бадий манокор, педикюр; **2 ОЙЛИК:** Косметология; Сартарошлик аёллар ва эркаклар учун алоҳида (амалиёт билан); **3 ОЙЛИК:** Умумий массаж (амалиёт билан); Уй ҳамшираси (амалиёт билан); Акушерлик (амалиёт билан); Элита услубида парда, чойшаб, ёстиқ жиддлари тикиш; Зардўзлик (Бухоро услубида); Фантазия гул безаклари; Юмшоқ уйинчоқлар тикиш; Торт, пиширчи, салатлар; Торт пиширчи бўйича малака ошириш (олий даражадаги кулинария 10 кунлик курс) яна алоҳида келин ва кўёв ясаш (3 кунлик).

4 ОЙЛИК: Тикиш-бичиш замонавий услубда (холовчилар учун чоҳдан бошлаб); Инглиз тили - бошлангич ва давом эттирувчилар учун; Автослесарлик (амалиёт билан); Ганкхорлик амалиёт билан; Радио-техника сошлаш (амалиёт билан).

Ўқини тамомланганларга диплом берилади ва айрим соҳалар бўйича иш билан таъминланадилар.

Манзил: Сирғали-3 3-уй, УПК Биносининг 3 кавати
Мўлжал: Сирдарё кафееси ёнида
Тел: 8.00дан 22.00 гача 49-18-71, 10.00дан 16.00гача 57-37-86
Авт: 40.47.75.86.98, 130.58; Трол: 19 Ямарка бекати

УРОЛОГ ВРАЧ, ДОЦЕНТ РЎЗМЕТОВ МЭЛС ГОЗИЕВИЧ
ЭНУРЕЗ ХАСТАЛИГИ БИЛАН ОФРИГАН КОВУГИ БЎШ 10 ЁШДАН ОШГАН ЎҒИЛ ВА ҚИЗ БОЛАЛАРНИ БАТАМОМ ДАВОЛАЙДИ.

Буйрак, қовуқ, простата беэи касалликлари аниқлайди ва ДАВОЛАЙДИ.
Қабул вақти сешанба, чоршанба, пайшанба, якшанба кунлари соат 9.00 дан 18.00 гача.

Манзил: Тошкент тумани, Генерал Собир Раҳимов номи жамоа хўжалиги, Бобоев кўчаси, 12-уй. "Чорсу" шохбекатидан 464, 469, 522-автотобусларнинг "Генерал Собир Раҳимов" бекатигача борилади. Телефон: 8 296 56023.
Лицензия рақами 3271

«КАМОЛОТ-КОМПЬЮТЕР» ўқув маркази тақлиф қилади.

3 ОЙЛИК курслар:
- Инглиз тили, - Инглиз тили ва компьютер, - Бухгалтерия ҳисоби ва компьютер билимлари, - Банк иши ва компьютер билимлари, - Теле-радио-видео аппаратураларни таъмирлаш устаси, - Рус тили, - Компьютерларни таъмирлаш устаси

2 ОЙЛИК курслар:
- Компьютер билимлари: (Windows-2000, Ms Office) INTERNET, E-MAIL.
- Бухгалтерия ҳисоби, - Бичиш-тиқиш (замонавий моделлаштириш)-3 ой.
- Эркаклар костюм-палтоси-2 ой.
- Парда, пакарвал (замонавий Элита услубида).
- Торт ва салат (оддий ва олий курси)-3 ой.
- Массаж-2 ой.
- Аёллар костюм-палтоси-2 ой.
- Косметология-2 ой.

Курсларни тугатгандан сўнг диплом берилади. Манзил: Тошкент, Навоий кўчаси-9, "Пишпром" лойиҳа институти биносининг 4-кавати. (ТРАСТАНКИНИНГ ёнида.) Тел: 41-33-96, 41-07-82

"ХОЛИС-УМИД" ФИРМАСИ
замонавий касб-хунар курсларига тақлиф этади:

КОМПЬЮТЕР САВОДХОНЛИК КУРСЛАРИ:
- Windows-2000, Microsoft Office-2000, Microsoft Word-2000, Microsoft Excel-2000, Ms-dos, NC-2 ой.
- Бухгалтерия ва компьютер билимлари-4 ой. Бухгалтерия ҳисоби -2 ой. Инглиз тили (компьютер ёрдамида)-3 ой. Акушерлик 6 ой. Ҳамширалик-3 ой. Радио-видео, теле-визорларни таъмирлаш устаси-3 ой.
- Аёллар ва эркаклар сартарошлиги (Ма-
ДИККАТ! Фирмада замонавий оқшом либослари ва «Elite» усулидаги пардалар, келин-куёв либослари ижарига берилади.

Хар бир курснинг тезор гуруҳлари мажбур. Машгулотлар ҳафтада 3 марта олий тоқфали мутахассислар томонидан амалиёт билан олиб борилади. Муваффақиятли битирганларга ДИПЛОМ берилади.

МАНЗИЛИМИЗ: «Халқлар Дўстлиги» метроси, «Олмазор» массиви, 8/1-уй, 5-6 йўлақлар, 1-хонадон, 1-кават. Телефон: 47-09-52, 42-76-06.

ЎЗБЕКИСТОНДА ЯТОНА БИЧИШ ВА ТИКИШ ЎҚУВ МАРКАЗИ «МОҲИР ҚУЛЛАР»

Куйидаги пуллик курсларга қабул эълон қилади:

— Моделинг-технолог (бичиш-тиқиш курслари) — 2; 4 Ойлик — Моделинг конструктор (янгиларни яратуви, 100% бичиш билан шуғулланиш шартли асосида) — 2 Ойлик — Эркаклар кийими — 2 Ойлик — Аёллар костюм, палтоси, плаши — 3 Ойлик — Дардларда, парда, чойшаб, ёстиқ, дастурхонлар — 1,5; 3 Ойлик.

ДИККАТ! Хоҳловчилар учун акка тарзда қиш-қуруларда (3-5 кишилик) олиб борилади.

Битирганларга диплом берилади.
Қабул ҳар кун (ижашадан ташқари) соат 10 дан 14 гача.
Манзил: Пушкун кўчаси, 7-уй, 3-бизнес мактаби, 4-кават, 524-хона. Мўлжал метронинг "Амр Топур" бекати, Магазин "Top moda", Тел: 133-73-97, 76-71-95.

"ЭЛИТА" усулида парда ва пакарваллар тикишни ўргатаман, тикишга буюртма қабул қиламан. Тел: 22-73-73, 106-22-73 РАЪНО

Бу газетани мунтазам ўқиб бораман. Унда чоп этилаётган тақдирлар мени бефарқ қолдирмайди. Ҳа, ҳаёт ҳар бир инсонга турфа хил ташвиш ёки шодликларни раво кўраётган. Мен ҳам ҳаётим чигаллиқларини газеталарда ёзишга мажбур бўлдим. Ахир инсон ўй-ташвишларини ичига ютиб юрса, ўз-ўзидан бир дардга йўлиқиши табиий. Мен бир оддий меҳнаткаш оилада дунёга келдим. Ёшлигимдан қўшиқ айтишни яхши кўрар, Насиба Абдуллаевадек қўшиқчи бўлишни орзу қилар эдим. Бизнинг шахримизда қўшиқчи-га, умуман санъаткор бўлган одамга ёмон кўз билан қарашади. Гўёки қўшиқчи турри йўлдан юрмайдиган инсон. Ота-онам: «Авалло эрга тегасан, сўнг турмуш ўртоғинг рухсат берса қўшиқ айтасан», дейишарди. Ишлаб юрган пайларимда бир йигит билан танишиб қолдим. У менинг қўшиқчи бўлишимга қаршилик қилмаслигини айтиб совчи кўйди. Лекин бизнинг бир-га бўлишимизга ота-онаси қарши эди. Улар бизлар билан қўшиқчи кучлари етмаслигини айтишибди. Шунда йигит мени олиб қочмоқчи бўлди. Лекин мен ота-онам юзига оёқ қўйиб, у йигит билан қочиб кетишни ўзимга эппилардим. Орзуларимни ушлатиридан йигит қилиб қолар деб, ота-онамни ўйлаб, кўнгил қўйган йигитимдан воз кечиб, ўзимни қалғитиш учун ишга берилиб юрардим. Яна ўйимизга совчилар кела бошлади. Мен ота-онамга: «Мени тушунадиган, қўшиқчи бўлишимга, замонавий юриш-туришимга қарши чиқмайдиган, орзуларим ушалишига қўмақлашадиган инсонга тегаман», - деб айтдим. Шундай кезларда мусика бўйича билим олган бир йигитдан совчи келди. Отажонимнинг нуқул: «Мен ҳам қув кўрай, невара кўрай, кизим сен биринчи фарзандимсан, бундоқ сингилларингга ҳам ўйла», - деганлари юрагимни эзиб юборди. Йигитга ҳам ўз орзуларимни айтдим. Ота-онасига ҳам тушунтирдик. Улар: «Қўшиқчи бўлса ҳам майли», дейишгани учун бир томондан онамнинг гапларини эслаб, дугоналарим устимдан кулишча ҳам шу йигитга розилик бердим. Йигит 1-гурӯх ногирони эди. Дугоналарим: «У сенинг тенгинг эмас, ўйлаб иш қил», - дейишса ҳам, «Қўшиқ айтмасам ўлиб қоламан», - дедим. Яхши

орзу-ниятлар билан турмуш кўрдим. Тўйимиз бўлиб ўтди. Лекин йигитнинг менга айтган гаплари, ота-онасининг берган ваъдалари бари ёлғон бўлиб қикди. Улар орзу - умидларимни пучга чиқаришди. Хўжайиним мен билан яхши муомалада бўлгани учун тақдирга тан бериб яшайвердим. Хўжайинимнинг 5 та опаси ва бир синглиси бор. Битта опаси оиласидан ажрашган, икки

ларим ҳар хил гап чиқариб, менга таъна тошларини отиб, қандажон халқ чиқаришарди. Улар ишламай уйда ўтиришларини талаб қилишарди. Мен нима қиларимни билмай кечалари оч қолди йўғлаб ётиб қолардим. Ичим азоб-укубатга бўлиб кетганди. Барига тишимни-тишимга қўйиб чидашга мажбур эдим. Чунки уйга борсам, «Палончининг қизи қайтиб келибди», - деган гапдан

ундан кўнглим совиб кетган эди, бу гап ортиқча бўлди. Энди ортиқ яшай олмаслигимни билиб орамизни очиб қилдим, ажрашдим. Ота-онам уйига келганимдан сўнг ўзимни енгил хис этарман, деб ўйлардим. Лекин сингилларимни ўйлаб юрагим тобора эзиларди. «Опаси эрдан қикиб келган, синглиси ҳам шундай», - деб совчилар келмай қўйишди. Ҳаётда ўзимни ортиқчадай сезиб қолдим, хўжайинимнинг, опаларининг менга айтган тўхмат гаплари, бир томондан синглимга совчи келмай қўйиши мени азобга қўйди. Яшайдан чарчадим, ҳаётдан тўйдим деганимда менинг энг яқин дугонам: «Эсингни йиғ, шу тўхматларни деб ҳаётдан кўз юммоқчимсан? Ахир бу Оллоҳнинг сенга берган синовлари-ку. Сен бахтинг учун кураш, иродали бўл, сен ҳали бир оилани туллатасан. Сен ўзинг ҳақингда, синглинг ҳақида «Оила ва жамият» газетасига ёзиб юбор. Бу газета орқали жуда кўплар ўз тенгларини топиб, бахтли бўлиб кетишган. Бу газета сенга ёрдам беради», деб айтган гаплари менга таскин берди. Ҳаётга қизиқишим яна ортди. Шунинг учун ҳаётим ҳақида сеvimли газетамга ёзишга қарор қилдим. Ёшим 25 да. Маданият коллежини тугатганман. Санъатга меҳрим кучли. Биргина орзум Насиба Абдуллаевадек бахтли қўшиқчи бўлиш. Ҳўқиган, тушунган, ёши 30-40лар атрофида бўлган, орзум ушалишида ёрдам берадиган, мени тушунадиган, оиласига меҳр қўядиган, қалби чиройли инсон билан танишиб, бахтли яшаш... Мен билан танишмоқчи бўлган инсоннинг бир ёки икки ёш фарзанди бўлса ҳам майли. Синглимга келсан, мен унинг бахтига тўғонга бўлиб тургандекман. Синглим 23 ёшда, ўқиган, ўй-рўзгор ишларини аъло даражада уқдлайди. Бир-икки жойдан совчилар келди. Лекин синглимга ёқмади. Синглим жуда ақлли, меҳрибон. Кўрган қишлар келин қилсам, деб ҳавас қилишарди. Синглимнинг орзуси ички ишларда хизмат қилидиган, Ватанга, оиласига садоқатли, тушунган, келишган, ёши 25-26 ларда бўлган бир сўзли йигитга турмушга чиқиш. Орзуларимиз ушалишини жуда истардим...

Қашқадарё вилояти

О.

ИШОНЧ, УМИД БИЛАН КУТАМАН



боласи билан шу хонадонда яшайди. Билмадим, нимагадир опалари келиб, қилдан-қийиқ ахтариб, мен билан нуқул уришиб кетишарди. Онам: «Ўзингдан каттага гап қайтарма, оғир, босиқ бўлгин кизим», деб ўқтирганлари учун чидардим. Орадан ойлор ўтди. Онам: «Нега кизимнинг бўйида бўлмаётми», деб мени шифокорга кўрсатдилар. Шифокорлар: «Кизингиз халли ёш. Озроқ шамоллаши бор экан, бу ҳамма аёлларда бўладиган шамоллаш, ҳавотир олманг. Даволанса фарзандли бўлади, бошқа ҳеч қандай айби йўқ», дейишди. Отажоним ўзлари пул тўлаб мени даволатдилар. Қайнонам: «Даволатишга пулим йўқ», - деб онамникига юборардилар. Кетимдан: «Келиним ўзидан - ўзи кетиб қолди», - деган гап чиқарардилар. Мен бунга ҳайрон қолар эдим. Пилла мавсуми эди. Ўзимни қалғитиш учун пилла қорхонасига кириб ишлаб бошладим. Афсус, яна қайнопа-

ор қилдим. «Қайтиб борсам бўйи етган синглимга совчи келмай қўяди», деб ҳам ўйлаб бу тўхматларга, жанжалларга чидардим. Лекин қайнопарим эримни ҳам менга қарши қилиб қўйишганди. Эрим уларнинг гапига ишониб мен билан жанжаллашарди. Ўзи-ку ҳеч қаерда ишламас, ишланг десам, «Ишинг бўлмасин, ота-онамнинг пенсияси етди, керак бўлса боқшади», - дерди. Худонинг берган кунини уйда жанжал эди. «Айбим нима», - деб сўрасам, «Ураман, чидайсан», - деб айтарди. Ота-онасига айтсам, «Ўғлимиз бир ногирон бўлса, қандай қилиб сени уради», - деб ҳамма айбни ўзимга тўнкаб қўя қилишарди. Орадан икки йил ўтди. Шу икки йил ичида кўрган кунимни дўстим туғул душманимга ҳам раво кўрмасдим. Отажонимнинг мени кўрсатмаган шифокори қолмади. Шифокорлар: «Кизингиз соппа-соғ, қувингиз шифокорга кўринсин», - деб айтишди. Мен хўжайинимга, - «Шифокорга кўрининг, даволанинг». Фарзанд кўрайлик. Ёшим ҳам ўтиб кетаяпти», - десам, «Яшамасанг яшам, бор кетавар», - деб айтди. Бунга ҳам чидардим. «Фарзандли бўлармиз», деб ўзимни қалғитиш учун бобомнинг ишхонасига ишга кирдим. Яхшигина ишлаб юрганимда яна опалари келиб гапириб кетишди. Хўжайиним ҳам «ишламайсан», деб туриб олди. Мен опаларининг тўхмат гапларига ҳам, хўжайинимнинг урғанларига ҳам чидаб яшаб келаётган эдим. Лекин хўжайинимнинг биргина айтган гапи юрагимга жуда қаттиқ ботди. Хўжайиним мени бобомга тенг қилиб: «Бобонг эмас, ўйнашин», - деган гапидан кейин у билан яшаб кетишдан умидимни уздим. Дилим жуда қаттиқ оғриди. Асли



У МЕНИ ТУШУНМАСА-ДА...

9 йил бирга ўқиган синфдошим билан мактабни битиргач, дўстлигимиз сеvimга айланиб кетди. Бир-биримизни шундай ҳурмат қилардикки, бир кўз кўрмасак, ёки телефон орқали гаплашмасак ўша кун биз учун асрга тенг бўларди. Мен ҳаётимда бошқа одамни унинг ўрнида тасаввур қила олмасдим. Бирга бўлмаслигимга кўзим етса-да, уни сеvimда давом этардим. Чунки мен оилада катта фарзанд, унинг эса акалари бор эди. Бизнинг ўрта-миздаги муҳаббатдан барча синфдошларим, таниш-билишлар ҳам хабардор эди. Чунки у менинг яқинимга ҳеч қимни йўлатмасди. Ҳар қўришганда «Сен катта фарзандсан, менинг эса акаларим бор, сенга уйлана олмайдман», дер эди. Унда мени бошқа қийнамаслигини, мен ҳам уни унута олмасам-да, лекин шундай қилишга мажбурлигимни айтардим. У эса ҳамма нарсадан кечиб кетишни тақлиф қиларди. Мен эса ота-онамнинг юзига оёқ қўймаслигимни ўқтиришда давом этардим. Бу гапларимдан аччиқланиб мени қийнаш учунми, билмайман, кўз ўнгимда дугоналарим, ёки бошқа қизлар билан сўхбат қўришни

одат қилиб олди. Кўнглим оғриси ҳам унга билингирмасликка, қийнаётганимни сез-дирмасликка ҳаракат қилардим. Секин-аста олдимга ичиб келадиган бўлди. Мен уни жонимдан ортиқ кўрган-дан доим қийин кунларидека ёнида бўлишни хоҳлардим. Иши юришмай қолса менга кўнглини очарди. Мен унга тўғри маслаҳат беришга ҳаракат қилардим. У ўта жаҳлдор эди, аммо ҳеч ҳам менга захрини сочмасди. Бошқалар назарида ёмон кўринса ҳам, унинг ёмон фазилатлари менга асло билинмасди. Чунки у менинг бутун борлигим, биринчи сеvim эди. Шундай кунларнинг бирида мени тоғамнинг ўғлига фотиҳа қилиб кетишди. Ўша вақтдаги ахволимни кўрсангиз эди. Унга ҳаммасини айтдим. У ҳам, мен ҳам ичимиздаги бор гапимизни алам билан йўғлаб гапирдик. Тўйимга кела олмаслигини, ўша кунни у жуда узокда, ёлғиз бўлишни қайта-қайта таъкидларди. Унинг аламли сўзларидан мен фақат йиллардим. Тўй кунни ҳам яқинлашди. Нима бўлдики, у тўхмат билан қўлга тушди. Тақдирнинг ўйинини қаранг, менинг никоҳ тўйим кунни уни ҳукми ўқилди. Тақдир мен билан катта ўйин ўйнади. Бу

ўйинда мен ютқаздим. Сабрим-бардошим етмади. Оиламни мустаҳкамлай олмадим. Ўйлашингиз мумкин: «Бошқани севганинг учун ҳаракат қилмагансан», - деб. Йўқ, мен никоҳ ўқилган вақтдан кейин бутун вужудимни, ҳатто ҳаёлларимни ҳам турмуш ўртоғимга бағишлаган эдим. Минг афсуски, шунча ҳаракат қилсам ҳам, бир-биримизни тушуна олмадик. Хуллас, ҳаммаси тугади. Оилага, ҳаётга бўлган қизиқишим тугади. Муҳаббатга ҳам ишончим қолмади. Янги ҳаёт бошлашим арафасида менинг қачонлардир муҳаббатим бўлган инсон озод бўлиб келди. Биринчи бор кўрганимда ўзимни бошқара олмай, ҳатто сўраша олмай ҳам қолдим. Мен ҳақимда ҳамма нарсани эшитибди. Синфдошлар бизни учраштиришди. У ҳам, мен ҳам 2 йилда бошимиздан кечирганларни гапириб бердик. Тақдир бизни яна учраштирди. У ҳамон сеvimини, менга шунча азоб берганлиги учун ўзи қийналганлигини айтди. Уни сеvimсам-да, лекин тан олишни, яна сеvimи домида мағлуб бўлишни истамасдим. Унинг сўзларини эшитганда, ўзини кўрганда қийналардим. Лекин қандайдир ички тўйғу мени ундан узоклашишга

мажбур қиларди. У мен билан учрашшни тақлиф қиларди. Мен доим рад этардим, у эса мендан хафа бўларди. «Мени сеvimмаганмисан, мени демаганмисан, наҳотки шунчалик ўзгариб кетган бўлсанг», деб менга бақириб дўқ уриб, яна ўзи хижолат чекиб узр сўрарди. Унга тобора боғлиниб борардим. Лекин мен ўзимни бошқаришни, хиссиётларимни жиловлашни билардим. Ҳар қандай қийинчиликларга дош бериб бўлса ҳам у билан бирга бўлишни, уни бахтли қилишни истардим. Лекин бизнинг ўрта-миздаги тўсиқ жуда баланд эди. Кунларнинг бирида яқин дугонамнинг тўйи бўлди. Тўйда у шундай қилиқлар кўрсатди-ки, ҳамма-ни кўзи менда эди. Бири ҳавас билан қарайди (албатта ёшлар), бири эса яна бошқа кўз билан. Мен унинг ёлғиз эканимни, мени сеvimини, агар гапларини эшитганда вақт ажратмасам, менга қаттиқ озор етказишини айтиб мени кўрқитмоқчи бўларди. Унинг бу қилиқларидан қўрқсам-да, мағлуб бўлишни, унга бош эгишни, яна ширин ва ёлғон ҳаёлларга берилишни хоҳламасдик. У мени, мен эса уни тушунишни хоҳламасдик. Сўхбатимиз жанжалга айланди. Мени қандай қўч бошқараётганини ҳеч тушунмасдим. Жуда раҳмсиз эдим. Шунда у ҳамма гап фойдасиз

лигини сезган, мени ҳақорат қила бошлади. «Мен сени демайман, сени асло муҳаббатим деб атамайман, сен билан ўтказган кунларимдан кечаман, афсусланаман... Сени ҳатто синфдош деб ҳам атамайман, кўрганда кўрмасликка оламан», деб шундай бақирардикки, гаплари мени эзиб адо қиларди. Нима қилишни, қандай йўл тутишни билмасдим. Мен эса мени кечиришини, у айтган ишни қилмаслигини, лекин барибир муҳаббатим чин эканини, соф туйғумни унга ва фақат унга бағишлаганимни, доим уни сеvimишни ҳаёлан айтиб, унинг ортидан борардим. Унинг охириги гапи: «Сендан кечим, сен мен учун ҳеч қим эмассан», - дегани бўлди. Бу сўзларни эшитиш менга ҳам осон эмасди. Қандай йўл тутишни, ундан кечирим сўрашинимга ёки шундайлигимга қўлдиришимни билмасдим. Балким мен унинг кўнглини оғритиб, кейинги ҳаётимда ўша муҳаббатга зор бўларман... Балким қилган ишим тўғридир. Ахир у айтган ишни, талаб қилган нарсани мен қилаолмайман-ку! Виждоним сира-сира йўл қўймайди. Шунинг учун юртдошлар бу жумбоқни сизларга ҳавола қилдим.

Андижон вилояти

М.

АЖИНГА ЙЎЛ БЕРМАНГ

Баъзан нимадандир норози бўлиб тез-тез афтни буриштириш, юз ишора (мимика)ларини ўзгартириб туриш кўз ва бурун атрофларида майда ажинлар пайдо бўлишига олиб келади. Кейин улар аста-секин чуқурлашади. Ёки офтобли кунларда ва кўз хиралашганда кўзойнак тақишдан тортинадиган кишиларда ҳам кўз атрофида майда ажинлар пайдо бўлади. Маслаҳатимиз шунки, аввало пешонани тириштиравериш одатини ташланг. Эрталаб ўйғонишингиз биланок 5-6 секунд қовоқларни қаттиқ юминг, кўрсаткич бармоқларингизни қўш устига қўйинг, сўнг кўзларингизни катта очинг. Бу машқни уч-тўрт секунд оралатиб, 10-20 мартаба такрорланг.

ЁШЛИК ШАРБАТИ

6 дона лимоннинг суви, қирғич ёки гўшт майдалагичдан ўтказилган 5-6 бош саримсоқ пиезни араштириб банкага солиб, устини икки-уч қаватли дока билан ёпиб қўйинг.

ЧЕТ ЭЛГА БОРМОҚЧИ БЎЛСАНГИЗ...

Маълумки, юракдаги яширин хасталиклар, меъда-ичак йўлидаги жиддий ўзгаришлар ҳамда бугун касалликларни об-хавонинг ўзгариши билан кучаяди. Айниқса, тропик ва субтропик иқлимга жойларда ўзингизни ёмон сезишингиз мумкин. Танангизнинг юқумли касалликларга қаршилиқ кўрсатиш қобилияти-

ҚУВВАТБАХШ МАЛҲАМ

300 гр. ёнғоқ, 300 гр. ўрик туршаги, 300 гр. майиз ва 3 дона лимонни пўсти билан бирга гўшт майдалагичдан ўтказиб, бир ош қошиқ асал қўйсангиз ажойиб қувватбахш дори тайёр бўлади. Катта ёшдагилар ҳар кун нахорда ва тушиқдан бир соат олдин бир ош қошиқдан, болалар эса бир чой қошиқдан истеъмол қил-

БАРМОҚЛАР ЭТИШТАЛД

Кўлнинг увишиб қолишига кўпинча томирлар хасталиги, қўлдаги нерв касаллиги ёки орқа миёнинг бўйин қисми нерв пўстлоқларидаги таъсирланиш сабаб бўлади. Баъзан бита кўлнинг, баъзида эса иккала кўлнинг бош бармоғи, кўрсаткич ҳамда ўрта бармоғи увишади. Бу ҳолат нерв пўстлоқларини босиб турадиган бўйин умуртқаси касаллигига алоқадордир. Юрак хасталигидан азоб чекаётган кишилар айрим ҳолларда чар кўл жимжилоғининг ва номсиз бармоқ (жимжилоқ ёнидаги бармоқ)нинг кечаси увишиб қолганини сезадилар. Увишиш жимжилоқдан

ҚЎЛ-ОЁҚЛАР НЕГА СОВУҚ ҚОТАДИ

Совуққа чидамсизлик кўпинча аёлларда кузатилади. Шунингдек, сифатсиз овқатланиш, асаб бузилиши, эндокрин хасталиклар, витамин етишмаслиги ҳоллари ҳам оёқ-қўлларнинг совқотишига сабаб бўлади. Ёш ўтган сари инсоннинг ташқи муҳитга мослашиш имконияти камай боради. Агар томирларда тикилмалар пайдо бўлса, организмнинг совуши кучаяди, шу учун ҳам томирларда қон айланишини қийинлаштирувчи нарсалардан сақланиш лозим. Баъзан шамоллашга ёки тумовга қарши дорилар ҳам қон томирларини торайтириб, қон айланишига ҳалакит беради. Ҳўш, бундай ҳолатда нима қилиш керак. Агар совуққотган

Янги мева-сабзавотларни иложи борида пўсти билан ёйиш лозим. Қабзият безовта қилганида олхўри, олча ва узум фойда беради. Сули, гречиха ёрмаларидан шакрсиз бутқа тайёрлаш, овқатга ловия, нўхат ва бошқа донли-дукхаклилардан кўпроқ ишлатиш, истеъмол этиш

ТАБАБОБАТНОМА

зарур, Қаттиқдан ажралган зардоб ҳам жуда фойдали. Янги тайёрланган сабзавот ва мевалар (олма, сабзи, лавлаг) шарбатларини кунига овқатдан олдин оз-оз ичиб турилса яхши. Шунда организм аста-секин ўз-ўзини тозалайди, ичаклар иши яхшиланади.

Бу малҳам дори-ни ҳар кун нахорда қайноқ сув билан ичсангиз, кун бўйи тетик ва бардам бўласиз.

ТАБАБОБАТНОМА

Қадри тортдошлар! "Табиб-табиб эмас, бошдан ўтказган табиб", деган нақли тез-тез ишлатимиз. Қадимий рўзгор тутумимизда, шундоққина кўя остиимизда, кўз олдимиздаги бой табиатиимиз кўйида соғ-саломатлигимизни таъминловчи, асрағувчи қанчадан-қанча табиб малҳам доришар бор. Фақатгина уларни излаб топишимиз ва ҳаётимизда қўллашимиз лозим.

"Соғлигинг - бойиңгиз", дейишганидек бошдан кечирганларингизни, биланларингизни "Табобатнома" саҳифасига албатта ёзиб юборинг, азизлар!

Бирор хасталик тўғайли камқувват бўлиб қолган, шунингдек ошқозон-ичак фаолияти бузилган, айниқса сунрукали қабзиятдан қийналаётган кишиларга говмижжа чиқади. Эндигина ёриб чиқаётган ярани тўхтатиш мумкинми? Албатта! Бу учун касаллик бошида эндигина қичишиб, нина санчилганга ўхшаб оғрий бошлаганда худди шу нуқтага бриллиант яшили (зелёнкадан тез-тез суртиб туриш лозим. Говмижжа тезроқ пишиб ёрилиши учун гипертоник эритмадан компресс (3-4 соатча) қилиш мумкин. Бундай эритма тайёрлаш учун бир стакан илиқ

салар мақсадга мувофиқдир. Малҳамдорини музлатигида сақланг. 100 гр. туйилган ёнғоқ, 100 гр. қирғичдан ўтказилган олма, 2 та лимон суви, бир ош қошиқ асал қўшиб тайёрланган малҳам ҳам таннинг роҳатидир. Уни кунига 2-3 маҳал овқатгача катта ёшдагилар бир ош қошиқдан, ёш болалар 1 чой қошиқдан истеъмол қилишлари лозим.

бошланиб биланнинг ички соҳасига-ча тарқалади. Бордию, киш охирлари ёки баҳор бошларида иккала қўл бармоқларининг учлари ҳеч нарсани сезмай қолса, демак танга А ва В дармондорилари етарлича сингмаётган бўлади. Худди шу сабабга кўра, баъзан кафт юзаси пўст ташлаб, қизаради. Агар кўрсаткич ва ўрта бармоқнинг ички томони увишиб, бармоқлар дармонсиз бўлса, уларни букканда оғриси, ушбу ҳолат бугинлар хасталиги ёхуд елка нерв қисми зарарланганидан далолат беради. Оғрик аломатларини фақат мутахассис шифокор аниқлайди.

киши ошқозон-ичак хасталигига чалинмаган бўлса, у таомга озгина аччиқ қалампир қўшиб ёйиши зарур. Қизил қалампир қон томирларни кенгайтиради. Ёки пайпоқларининг ост қисмига озгина қалампир сепиб, сўнг қийилса у оёқларда қон югуришини кучайтиради. Яна шундай муолажа ҳам борки, уни куз киришидан бошлаб кўнга бажариш мумкин. Оёқларнинг тўпикдан пастини 5-7 дақиқа аввал иссиқ, сўнг совуқ сувда олиш лозим. Ваннадан сўнг тоновларга камфора мойи суртиш керак. Умуман, контраст (иссиқ ва совуқ суви алмаштириш) ванна қилиш оёқ-қўлларни чинқитира боради ва киш кунларида қаттиқ совуққотишдан асрайди.

ЮҚУМЛИ КАСАЛЛИКДАН САҚЛАНИШ

Юқумли касалликлар билан оғриган бемор оила аъзоларидан бир қанча муддатга ажратиб қўйилмоғи лозим. Ҳўш, бу муддат қай касалликда қанча вақтни ташкил этади? Масалан, сувчечак, қизилча, тепки, ич терлама хасталигига чалинган бемор 21 кун, тошмали терламага чалинганлар 25 кун, қизамиқ билан оғриган

лар 17 кун, скарлатина ва дифтерияда 7 кун, кўкйўталда 14 кун, гепатитда 35 кун муддатга бошқалардан ажратиб қўйилади. Бу вақтлар давомида бемор алоҳида идил-товуқ, кийим, ўрин-кўрпа, сочик ва совундан фойдаланади. Бемор фойдаланган уй жиҳозлари ҳам тез-тез совунаб ювиб турилади. Хасталикнинг яширин даври ўтиб кетгач, бемор одатдаги тарзда ҳаёт кечираверади.

УЧУҚНИНГ ААБОСИ... ЧОЙ ЭКАН

Герпес (учуқ) вируси ички аъзоларга ўтиб кетса, кўпгина ташвишларни келтириб чиқаради. Ҳозирги пайтда герпесга қарши самарали воситалар бор, лекин улар баъзан қўшимча асоратлар пайдо қилади. Яхши... Англиялик Жоан Хибберд исмли йигит патент берадиган идорига "Лаб" даги учуқни чой билан даволаш ҳақида рухсат-ҳужжат олиш учун хат топширди. Дамлаб совутилган чой билан лаблардаги "иситилаётган" жой қўллаида, шамаси ўша жойга бир неча дақиқа қўйиб турилади. Хибберднинг айтишича, шу хилдаги даво натижасида 2-3 кунда иситма қолади, учуқ эса йўқолади. Патент идораси Хибберд номига ҳужжат берган бўлса-да, чойнинг нима учун учуққа таъсир қилишини сураб-суриштиргани йўқ... Демак, учуқнинг оддийгина давоси яхшигина дамланган қўч чой экан.

ГОВМИЖЖА... УНГА НЕ ДАВО?

Бирор хасталик тўғайли камқувват бўлиб қолган, шунингдек ошқозон-ичак фаолияти бузилган, айниқса сунрукали қабзиятдан қийналаётган кишиларга говмижжа чиқади. Эндигина ёриб чиқаётган ярани тўхтатиш мумкинми? Албатта! Бу учун касаллик бошида эндигина қичишиб, нина санчилганга ўхшаб оғрий бошлаганда худди шу нуқтага бриллиант яшили (зелёнкадан тез-тез суртиб туриш лозим. Говмижжа тезроқ пишиб ёрилиши учун гипертоник эритмадан компресс (3-4 соатча) қилиш мумкин. Бундай эритма тайёрлаш учун бир стакан илиқ

сувда бир ошқошқ ош тузи эритилади. Бир бўлак пергамент қоғоз ва пахта олинб, оғрийган қовоқ усти бинт билан боғланади. Бу муолажадан сўнг ҳовлига чиқиш мумкин эмас. Шу учун ҳам эритмали компрессни ётиш олдинда амалга оширган маъқул. Говмижжани баъзи бирөөлар секин ситиб, ичидаги суюқлиқни чиқариб ташлашади. Аслида бу хатарли! Негаки, бунда инфекция атрофдаги тўқима қон томирларига тушиши ёки қон оқими билан миёга тарқалиши ва менингит каби оғир асоратларга олиб келиши мумкин.

ЛАБ БУРЧИ ЁРИЛИБ, ОҒРИСА...

Танада темир моддаси етишмаганда лаблар бичилади, одам толиқиб, ҳоли қурийд. (Аёлларда эса ҳайз қони кўп кетганда бундай ҳолат юз беради) Асарият ҳолларда лаб бурчининг ёрилиб, унда оғрик пайдо бўлиши камқонлик ёки мушаклар тонуи пасайиши оқибатидир. Худди

шу ҳолат витамин В-2 етишмаганидаям содир бўлади. Сут, пишлоқ, мол жигари ва қўқатлар тананинг витамин В-2 га бўлган суткалик эҳтиёжини қондира олади. Бемор ўзини ҳолсиз сезганида хабдори шаклидаги витаминлардан ичиб турса ҳам бўлади.

ЎЗИНГИЗ ҲАҚДА ЎЙЛАНГ...

Олимларнинг текширишларича, ҳар бир оғриган тиш ички аъзоларнинг бирортасига бевосита алоқадор бўларкан! Масалан, пастки озиқ тишлар оғриги жигар хасталигидан, қичик озиқ тишлар эса меъда ости безида бирор нуқсон борлигидан далолат берадкан. Меъда яраси бор кишиларнинг тишларида кўплаб тош йиғилиши кузатилади. Ҳатто қон босими кўтарилиб ёки пасайиб турганда

ҳам унга "адоқадор" бўлган тишнинг оғриги бошланаркан. Демак, танамиздаги ҳар бир оғрик қаеримиздадир бирор хасталик борлигидан оғох этувчи "сигнал" вазифасини ўтар экан. Умуман, вуҷудимизда юз берган ҳар бир но-табиий ҳолатнинг олдини олмақ учун мутахассис шифокорларнинг маслаҳатларига қулоқ тутишимиз зарур.

ДАВОСИ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗ

● Жўхори попугининг қайнатмаси буйракдаги тошни эритади.
● Шафтоли барги қайнатиб ичилса, ҳар хил тошмалардан пайдо бўлган қичимадан фориғ этади.
● Чўда кўмиб пиширилган тухум қорин оғригига энг яхши даводир.
● Эритилган товۇқ ёғи оғриган қулоғингизга энг яхши даво бўлади. Бунинг учун бир неча томчи томизсангиз кифоядир.

ОҒИЗ НЕГА ҚУРИЙДИ?

Уйку дорилари ёхуд нерв фаолиятига таъсир қиладиган ва қон босимини туширадиган дори-дармонларни узок вақт ичиб юриш ҳам оғиз қуришига сабаб бўлади. Бунда албатта шифокорга мурожаат этиш лозим.

Саҳифани ДИЛБАР, ГУЛЖАМИЛА ВА МУХТОРБЕК тайёрлади

Оила ва жамият

Муаллиф фикри тахририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Фойдаланилмаган қўлёзмалар тахлил қилинмайд, муаллифларга қайтарилмайд, ёзма жавоб қилинмайд. Газетадан кўчириб босилганда «Оила ва жамият»дан олинганлиги албатта қайд этилсин.

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Қабулхона: (Тел. ва Факс) 133-28-20
Табриқлар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: Оила - 133-04-35, 34-25-46

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босма хонаси. Манзил: Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 20.00
Босишга топширилди - 21.00

Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темури кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.

ХОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи»
Акционерлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - {якка обуначилар учун 176

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида № 33 рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 942. Формати А-3, ҳажми 2 босма тобоқ.
Баҳоси эркин нархда. Адади - 3201
Саҳифаловчи - Акбар ШОДИЕВ.
Расмом - Набижон ХОЛМУРОДОВ.
Навбатчи - М. СОДИКОВ.